БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕҚИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 148
4 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилайлик

Партия, ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилаш ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Партия XIX с'езди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш шароитларини ҳартарафлама яхшилаш тадбирлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мамлакатимизда кенг меҳнаткашлар оммасининг ўз маданий ва сиёсий савияларини оширишлари, бўш вақтларда кўнгилли ва қувноқ дам олишлари учун барча имкониятлар яратиб берилгандир. Шаҳар ва қишлоқларимизда маданий-оқартув муассасалари тармоқларининг тобора кенгаяётганлиги, бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг савиясини юқори даражага кўтариш учун ҳар йили давлат бюджетидан кўп миқдорда маблағ сарфлаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Халқимизни коммунистик руҳда, ўз она-Ватанига чексиз садоқат ва социалистик меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда кўпсонли ва хилма-хил маданий-оқартув муассасалари — клублар, кутубхоналар, ўқишхоналар, маданият уйлари ва саройлари, кино-театрлар ва музейлар катта роль ўйнамоқдалар.

Ҳозирги вақтда биргина Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида 22 маданият уйи, 187 колхоз клуби, 500 га яқин кутубхона ва ўқишхоналар, 150 дан ортиқ кино-театр, 200 га яқин бадиий ҳаваскорлар тўгараги, музейлар ва бошқа маданий-оқартув муассасалари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси халқимизни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришга хизмат қилмоқда. Бу шарафли вазифанинг асл моҳиятига тушиниб етилган жойларда маданий оқартув муассасалари ўз фаолиятларини тобора яхшиламоқдалар, аҳолига кино хизмати кўрсатишни намунали уюштирмоқдалар, клублар, кутубхоналар, ўқишхоналар ва маданият уйлари фаолиятини кун сайин яхшиламоқдалар, аҳоли ўртасида китоб пропагандасини кучайтирмоқдалар.

Сирдарё районидаги маданий-оқартув муассасалари ўз ишларида бирмунча яхши натижаларга эришмоқдалар. Район маданият бўлимининг ташаббуси блан ғўза парваришда даврида пахтакорлар ўртасида тўрли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда, клублар, кутубхоналар, ва агитбригадаларнинг фаолияти кучайтирилмоқда. Район кутубхонасининг (мудири ўртоқ В. Аверянова) ходимлари қишлоқ кутубхоналари ва колхоз ўқишхоналарига амалий ёрдам бермоқдалар, кўчма кутубхоналар ташкил этиб, колхозчилар ўртасида китоб ўқишни кенг пропаганда қилмоқдалар. Район кутубхонаси ташкил этган кўчма кутубхоналар ҳозир Маленков номли, Тарас Шевченко номли, Охунбобоев номли ва бошқа колхозларда пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Лекин областимиздаги кўпгина район ва қишлоқларда, колхоз ва совхозларда пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишга ҳали ҳам жиддий э'тибор берилмаётир. Масалан, Бекобод районида маданий-оқартув ишлари асосан ёмон аҳволда. Район маданият бўлими қишлоқ кутубхоналари ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Шунинг учун ҳам қишлоқ кутубхоналари ўз ўқучиларига яхши хизмат кўрсатмаётирлар, уларнинг китоб фонди ифлос бойитиб борилмаётир. Район кутубхонасида ҳам аҳвол яхши эмас. Кутубхона мудири ўртоқ Лим Александранинг ўз вазифаси устида жавобгарликни сезмаётганлиги туфайли, кутубхона кўп вақт берк бўлиб, китобхонлар ундан унумли фойдаланолмаётирлар.

Пискент район маданият бўлими кўчма кутубхоналар ташкил этиш, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий, илмий-оммабоп темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш, клублар, дала шийпонларини безатиш ва колхозчилар ўртасида китоб ўқишни пропаганда қилиш каби муҳим ишларни э'тибордан четда қолдирмоқда.

Областнинг Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Верхне-волинск районларидаги колхозларда радиоузелларидан ёмон фойдаланилмоқда. Бўка районидаги колхозларнинг кўпчилигида дала шийпонлари радиолаштирилмаган. Паркент районида ҳам меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатиш ва маданий-оқартув ишларини яхшилашга юзаки раҳбарлик қилинмоқда. Маданият бўлими ихтиёрида бой китоб фондига эга бўлган бирнеча қишлоқ ва район кутубхоналари бор. Лекин район кутубхонаси томонидан шу вақтга қадар қишлоқларда битта ҳам кўчма кутубхона ташкил қилинмаган, китобхонлар конференцияси ўтказилмаган. Маданият бўлимининг лекторлар группаси ҳам қониқарсиз ишламоқда.

Бу йил областимиз пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Пахтакорларимиз фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган бу мўл-кўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Йиғим-терим кунларида колхозчиларнинг ма'навий талабларини қондириш, уларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш маданий-оқартув муассасалари ходимларининг энг муҳим ва мас'улиятли вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги вақтдаги Пленумлари қарорларида партия ва совет ташкилотлари олдига қишлоқдаги маданий-оқартув муассасаларининг иш савиясини кўтариш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш, клублар ва кутубхоналарнинг ишини жонлантириш, кинофильмларни мунтазам равишда кўрсатиб туриш, қишлоқларни радиолаштиришни кучайтириш ва радио эшитириш сифатини яхшилаш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари жойлардаги маданий-оқартув муассасалари ишларида юз бераётган камчиликларга дарҳол хотима беришлари ҳамда партиямиз кўрсатмаларининг муваффақиятли амалга оширилишига эришишлари зарур.

Областимиздаги маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари пахта йиғим-терими ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш даврида ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий, маданий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишлари, колхоз, совхоз далаларида кўчма кутубхоналар, агитмашиналар ташкил этишлари, кинофильмларни мунтазам равишда кўрсатиб туришлари, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишлари керак. Маданий-оқартув муассасалари асосий э'тиборни кенг меҳнаткашлар оммасини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ўз вақтида ва нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ҳамда давлатга топшириш вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратишлари, совет қишлоқ хўжалик фанининг ютуқларини кенг пропаганда қилишлари, илғорлар тажрибасини оммалаштиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Шунга эришмоқ керакки, маданий-оқартув ишларидаги жиддий камчиликлар тезда тугатилсин, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшилансин, клублар, маданият уйларининг фаолиятлари жонлантирилсин, кутубхона ва ўқишхоналар илмий-оммабоп китоблар ва қишлоқ хўжалигига оид брошюралар блан тўлиқ та'минланиб, қишлоқларга кўчма кутубхоналар ташкил этилсин ва бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳаммаси бевосита дала шийпонларига кўчирилсин — вазифа ана шундан иборат.

Қишлоқларда маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилаш, бу соҳани малакали кадрлар блан тўлиқ та'минлаш, меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини ҳозирги юксак талабалар даражасига кўтариш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим ва асосий вазифаларидан биридир.

Область маданият бошқармаси ва район маданият бўлимлари маданий-оқартув муассасаларининг ишига кун сайин оператив ва конкрет раҳбарлик қилиб туриш, пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга, совхоз ишчиларига ва механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ўзларининг энг муҳим ва мас'улиятли вазифалари эканлигини унутмасликлари керак.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ғамхўрликни кун сайин кучайтирайлик ва маданий-оқартув муассасалари ишини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарайлик.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиларига мукофотлар топшириш тартиби

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг Бош комитети виставка қатнашчилари бўлган қишлоқ хўжалик илғорларига мукофот ва совғаларни топшириш тартибини белгилади.

Виставка қатнашчиларига медальлар, шунингдек дипломлар, шаҳодатнома ва гувоҳномалар жойларда — республика, ўлка, область ва район марказларида қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашларида ёки бевосита колхозларда, МТС ва совхозларда топширилади.

Москвада гувоҳнома ва медальларни узоқ районлардан (Сахалин, Камчатка, Ёқутистон АССР, Тува автоном области ва Узоқ Шимол районларидан) келадиган БҚХВ қатнашчилари оладилар.

Автомашиналар, мотоцикллар, велосипедлар, тикув машиналари, радиоприёмникларва бошқа натура мукофотлари виставканинг мукофотланган қатнашчилари адреси бўйича колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станцияларига юборилади. Ҳамма мукофотларга (соатлардан ташқари) қуйидаги сўзлар ёзилган бўлади: «1954 йилги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг мукофоти». (ТАСС).

Пландан ташқари 1 миллион 918 минг сўмлик маҳсулот

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги «Узглавхлебтрест»га қарашли 16-сон нон заводининг коллективи республикамизнинг яқинлашиб келаётган 30 йиллик юбилейини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олмоқда.

Заводдаги 5 та бригаданинг ҳаммаси ҳам ўз планларини ортиғи блан бажариб келмоқда. Айниқса, Йўлдош Ҳасанов раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси смена топширигини 130 процентдан адо этиб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Мастерлардан Н. Ортиқов, А. Валиев, З. Зокирова, Н. Одилов, шаҳар Советининг депутати Тошхўжаева, Н. Нормаров, М. Степанова каби ўртоқлар смена топширигини 130 — 140 процентдан бажармоқдалар.

Заводдаги гижда, обинон, ширмон, патир нонлар ишлаб чиқаручи цех коллективлари меҳнат унумини ошириш блан бирга маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш, кўплаб хомаш'ёни тежаш учун систематик кураш олиб борди. Натижада завод коллективи 8 ой ичида пландан ташқари 1 миллион 918 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Х. ЖАЛИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Юбилей шарафига

Яқинда Ўзбекистон Совет Ёзучилар Союзи, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика Жамияти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти ходимларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис республикамиз юбилейига кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида жамиятнинг референти ўртоқ Тоҳировнинг ахборотини эшитгандан кейин юбилей муносабати блан саноат корхоналари, колхоз, клуб, ўқув юртларида ўқиш учун лекциялар уюштириш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқди.

Жамиятнинг ҳақиқий а'зоси ўртоқ А. Олимжонов «Ўзбек совет адабиёти 30 йил ичида», «Ўзбек совет адабиёти тинчлик учун курашда», филология фанлари кандидати ўртоқ Олим Усмонов «Рус тилининг ўзбек тилига та'сири», «30 йил ичида ўзбек тилининг тараққиёти», филология фанлари кандидати ўртоқ Т. Собиров «Ўзбек драматургияси 30 йил ичида», филология фанлари кандидати ўртоқ Холид Расулев «Фурқат — ма'рифатпарвар — демократ шоир» каби темаларда, шунингдек жамиятнинг бошқа а'золари «Ўзбек совет маданиятининг гуллаши», «Ҳамза — диний курофотларга қарши курашчи», «Ўзбек болалар адабиёти 30 йил ичида», «Рус ёзучилари Ўзбекистон ҳақида», «В. Маяковский традициялари ўзбек совет поэзиясида», «Икки шарқ», «Ҳамза номли театрнинг ижодий йўли» каби темаларда, шунингдек ўзбек адабиёти классиклари сериясидаги Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар ўғли ва ўзбек совет адабиёти намоёндаларидан Ҳамза, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Яшин ва бошқа йирик ёзучиларнинг ижоди ҳақида оммабоп лекциялар тайёрлашга қарор қилинди.

Мажлис қатнашчилари жамоатчилик ўртасида ўқиладиган лекцияларнинг сифатини кўтариш мақсадида зарур тадбирлар белгилаб, лекцияларни бадиий ўқиш блан бирга қўшиб олиб бориш каби фойдали таклифларни айтдилар.

Мажлис қатнашчилари рус адабиёти ва жаҳон классик адабиёти вакилларинг асарларини пропаганда қилиш ҳақида ҳам зарур тадбирларни белгиладилар.

Ғ. ЖАҲОНГИРОВ.

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР УЧУН ҚУРАШМОҚДАЛАР

Чирчиқдаги «Средазхиммаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига ва Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига янги оширилган мажбурият олдилар. Улар йиллик программани муддатидан анча олдин бажариб, пландан ташқари 9 та компрессор ишлаб чиқариш, меҳнат унумини 1,5 процент ошириш ва пландан ташқари 250 минг сўмлик хомашёни иқтисод қилиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мавжуд ишлабчиқариш майдонидан унумли фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун «Электросила» заводи бошлаган мусобақага қўшилиб, машинасозлар бу йил 7 ой ичида ўтган йилги 7 ойликдагидан 10 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқардилар. Илғор иш методларини қўлланиш ва рационализаторлик таклифларини жорий қилиш ҳисобига 7 ой ичида давлатнинг 400 минг сўм иқтисод қилинди.

Ҳозирги кунда 300 дан ортиқ ишчи 1955—56 йиллар ҳисобига ишламоқда. Рандаловчи Елисеев, темирчи Степанченко, қуювчи Когулько каби ўртоқлар эса илғор иш методларини усталик блан қўлланиб, 1956 йилги нормаларини ҳам бажариб қўйдилар.

Цехларарo мусобақада кенг исте'мол буюмлари ишлабчиқариш цехи биринчи ўринда бормоқда. Завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келаётган бу цех ишчиларн ички резервлардан рационал фойдаланиб, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбориб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Яқинда ширпотреб цехининг бошлиғи Эшонов, сирловчи Куропаткина ва слесарь Горшков ўртоқлар Иттифоқимиздаги илғор заводлардан ҳисобланган «Электросталь» заводидаги илғорларнинг иш методларини ўрганиш мақсадида Москвага бориб келдилар. Ҳозир улар ўрганиб келган янгиликларини ишлабчиқаришга татбиқ этмоқдалар. Цехдаги рандалаш ва сирлаш станоклари москвалилар усулида қайта ускуналанди. Натижада бу станокларнинг ишлабчиқариш қуввати ошди, меҳнат унуми икки ҳисса кўпайди ва маҳсулот сифати анча яхшиланди.

О. ЛЕВАК.

Машинасозларнинг ташаббуси

Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машиналари ишлабчиқарадиган завод коллективи ўртасида Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Заводнинг илғор комсомол токарьларидан Владимир Сачков ва Михаил Пидоненко ўртоқлар юбилей шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Улар йиллик нормаларини икки ярим ҳисса ошириб бажариш мажбуриятини олдилар. Илғорлар ташаббусига заводнинг барча ишчи ва хизматчилари ҳам қўшилди.

Социалистик мусобақада олдинда бораётган токарь В. Сачков НКУ—2,8 машинасининг деталини ишлашда станок тезлигини деярли 600 оборотга етказиб, меҳнат унумини 40 процент оширишга муваффақ бўлди. У ўз зиммасига олган мажбуриятини ортиғи блан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Х. ПЕТРОВ.

Совет Иттифоқида

Пахта ҳосилини машина блан териш

Мамлакатнинг пахта далаларида яхши ҳосил етилмоқда. Ўзбекистоннинг жанубий районларида, Озарбайжон ва Туркманистонда ҳозир пахта ҳосили қўл блан териб олинмоқда. Юз мингларча гектар ердаги экинлар машина блан териб олиш учун ажратилди. Бу йил кузда ўтган йилдагига нисбатан бир неча ҳисса ортиқ майдондаги пахта ҳосилини машина блан териб олиш мўлжалланади. Биргина колхоз далаларида йигирма мингтадан ортиқ пахта териш машиналари ишлайди. Бу машиналар орасида такомилаштирилган жуда кўп машиналар бор. Бу машиналар пахтани ғўза тупларидангина эмас, балки ерга тўкилиб тушган пахталарни ҳам териб оладилар. МТСлар СХМ — 48 машиналарини модернизациялаштириш учун бирнеча минг комплект детальлар ва ерга тўкилган пахтани пневматик усулида терадиган аппаратлар оладилар. Бунинг натижасида машина блан териладиган пахтанинг сифати яхшиланади. Қатор оралари торайтириб олинган ерлардаги ҳосилни териб олиш учун беш мингтага яқин машина мослаштирилмоқда. Бу йил ана шундай усул блан экилган ерлар анчагина майдонни эгаллайди. Бу усулнинг қўлланилиши ҳар гектар ерда ғўза тупларини анчагина кўпайтириш ва бу блан ҳосилни ошириш имкониятини берди.

Ўзбекистонда ва Озарбайжонда ҳосил терими олдидан ғўза барглари тўкдириб юборилабошланди. Ғўза баргларини тўкдириш ўсимликларга тракторга тиркаб ишлатиладиган ОДН машиналари ёки самолётлардан алоҳида химия дориларни сепиш йўли ва чанглатиш йўли блан амалга оширилади. Авиациянинг ёрдами блангина 275 минг гектар ердаги экинларнинг барги тўкиб юборилади.

Битта пахта териш машинаси блан мавсумда 40 — 50 гектар ернинг ҳосилини териб олиш мумкин. Машина блан терилган пахта колхозда пахта тозалаш машинасида тозаланади ва шундан кейин тайёрлаш пунктига жўнатилади. Бу йилги мавсумда Ўзбекистоннинг Ленинскдаги 1-нчи пахта тозалаш заводида машина блан терилган ҳосилни тозалайдиган цех ишкил этилади. Бундай цехларнинг ташкил этилиши келгусида пахтани дала шароитида тозалаш зарурлиги ҳаётдаги.

Ўрта Осиё далаларида шу кузда биринчи марта неча ўнларча янги конструкциядаги кўсак териш машиналари ишлайди. Бу машиналарнинг ёрдами блан ярим очилган ва очилмаган кўсакларни механизация ёрдами блан териш амалга оширилади. Шундай қилиб, пахта теришни механизациялаш вазифаси тўла равишда ҳал этилади. (ТАСС).

УКРАИНА НЕФТЬЧИЛАРИ ТУҚҚИЗ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР

КИЕВ, 1 сентябрь. (ТАСС). Украина нефтьчилари йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, ишлабчиқариш соҳасида янги муваффақиятга эришдилар. Бутун «Укрнефть» бирлашмасининг корхоналари тўққиз ойлик топшириқ ҳисобига суюқ ёнилгининг сўнгги тонналарини бердилар. Нефть чиқариш ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 30 процент кўпайди. «Бориславнефть» трестининг биринчи, олтинчи ва тўққизинчи конлари пландан ташқари кўп нефть бердилар.

ЕРНИ Т. С. МАЛЬЦЕВ УСУЛИДА ИШЛАШ УЧУН ПЛУГЛАР

ОДЕССА, 1 сентябрь. (ТАСС). Октябрь революцияси номидаги Одесса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи донгдор дала мудири Терентий Семенович Мальцевнинг закази бўйича тайёрланган отвалсиз плугларнинг биринчи партиясини ишлаб чиқарди.

Янги плуглар «П—5—35» маркали бешкорпусли оддий плуглардан шу блан фарқ қиладики, улар махсус иш органи блан, я'ни отвалсиз корпус блан та'минланган. Ерни юмшатиш вақтидаги қаршиликни камайтириш учун стойканинг иш қисмидаги кесимлар ўзгартирилган, ғилдиракнинг изи олдинги тиш блан юмшатилиши учун эгат ғилдираги плугга яқин қилиб қўйилган. Плугда чимқирқар ва дискали пичоқлар ҳам бўлмайди.

Янги плуглар «Заветы Ленина» колхозига жўнатилмоқда. Завод деҳқончиликнинг прогрессив методларини жорий этаётган Одесса области МТСлари учун топшириқдан ташқари бирқанча шундай плуглар ишлаб чиқарди.

МОСКВАДА ЯНГИ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Москва маҳаллий саноат бошқармаси янги корхоналар қуриш планини белгилади. Икки ярим йил ичида 16 та фабрика ва завод қуришга қарор қилинди. Бу корхоналар пианино, рояль, радиоприёмниклар, идиш, тикилган буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Ишлаб турган корхоналар реконструкция қилинмоқда. Москвадаги руҳ юргизилган туника заводи кенгайтирилмоқда. Бу заводда янги бинолар қурилиб, руҳ юргизадиган юқори унумли агрегатлар ўрнатилмоқда. Завод маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиради. (ТАСС).

Украина ССР Станислав областининг колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Станислав области колхозчилари, совхоз ва машина-трактор станцияларининг ишчилари ва мутахассислари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, Дрогобич области ғаллакорлари блан мусобақалашиб, давлатга мажбурий суратда ғалла етказиб бериш, қарзларни қайтариш, МТС ишлари учун натура ҳақи тўлаш ва давлат закупкаси бўйича 1954 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари 102 процент бажардилар. Энг муҳим озиқ-овқат экини — бугдой тайёрлаш плани ошириб бажарилди.

Область колхозлари ва совхозлари кузги ва кўкламги экиш учун ўзларини уруғлиқ блан тўла та'минладилар. Колхозлар МТС ишлари учун берилган счётлар бўйича давлатга ғалла топширишни, давлат закупкаси тартибида ғалла сотишни давом этдирмоқдалар ва колхозчиларга меҳнат кунлари бараварига ғалла бермоқдалар.

Область колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари ҳамда мутахассислари ҳозирги вақтда барча қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида йиғиштириб олиш, кузги дон экиш, кузги шудгорлаш ва чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашларини ўз вақтида тугаллаш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Тожикистон ғаллакорларининг ғалабаси

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлигидан руҳланган Тожикистон ССР колхозлари КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қарорларини амалга ошириб, ғалла тайёрлаш ва закупка қилиш давлат планини муддатидан илгари 105 процент бажардилар, шу жумладан давлат закупка плани 113 процент бажарилди.

Республика колхозлари 1955 йилда ҳосил етиштириш учун ўзларини кузги ва баҳорги экишга етарли уруғлик блан та'минладилар, ем-хашак, страхование фондига ғалла тўкмоқдалар.

Ҳозир республикада колхоз ва совхозларнинг далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини териб олиш учун катта ғайрат кўрсатилмоқда. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ҳосилини қисқа муддатда териб олиш, пахтани давлатга нуқул отбор ва биринчи сорт блан топшириш, кузги экинлар экишни энг яхши агротехника муддатларида тугаллаш, барча кузги қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ўтказиш, шунингдек ёғ учун ишлатиладиган зиғир, картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа ҳамма хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомаш'ё тайёрлаш давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфламоқдалар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида

— Виставканинг бош павильони устига СССР Иттифоқи Давлат байроғи кўтарилганига бир ой тўлди. Ўша вақтдан бери социалистик қишлоқ хўжалигининг ютуқлари намойиш қилинаётган павильонларнинг эшиклари ҳаркуни очиқ турибди.

Шу бир ой ичида 50 мингдан кўпроқ колхоз вакиллари, 10 минтга яқин совхоз ходимлари, 13 мингдан кўпроқ МТС механизаторлари, икки мингдан кўпроқ илмий-текшириш муассасалари вакиллари, икки мингдан зиёдроқ ёш табиатшунослар Виставкани келиб кўрдилар.

Виставканинг павильонлари ва лекторийларида қардош республикалардан келган қишлоқ хўжалик илғорларининг учрашувлари бўлиб турди, улар ўзларининг иш тажрибалари блан ўртоқлашдилар, юқори ҳосил олиш ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш методлари ҳақида гапириб бердилар. Виставканинг лекторийларидагина қишлоқ хўжалик илғорларининг 90 га яқин суҳбати ўтказилди.

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш» павильони айниқса кўп экскурсиячиларни ўзига жалб этмоқда. Бир ой ичида бу павильонни 2.700 дан кўпроқ экскурсиячилар келиб кўрди. Улар составида — колхозчилар, механизаторлар, далачилик ва трактор бригадаларининг бошлиқлари, агрономлар, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари бор. Экскурсиячилар орасида чет эллардан келган меҳмонлар кўп бўлди. Павильонда 1.200 та турли-туман қишлоқ хўжалик машиналари кўрсатилади.

«Манежа» лекция залида виставкада қатнашучи чорвачилик илғорлари блан экскурсиячилар қирқ марта учрашдилар. Илғорлар чорва молларини ўстириш ва боқиш тажрибаларини айтиб бердилар. Суҳбатлар вақтида юқори маҳсулдор чорва моллари кўрсатилди.

Павильонларда виставкада қатнашучи қишлоқ хўжалик илғорлари блан учрашувлар бўлди. Масалан, Қозоғистон ССР павильонида Виставка очилганидан бери Виставка қатнашчилари блан 15 учрашув ва суҳбат ўтказилди. Бу ерда донгдор шоликор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ибрай Жахаев икки марта суҳбат ўтказди. Балакш совхозининг пода ҳайдовчиси, Сталин мукофоти лауреати Капис Жувасов ўз иши ҳақида гапириб берди. Янги ерларнинг қандай ўзлаштирилаётганлиги кўрсатиладиган стендлар ёнида Журавлев МТСи трактор отрядининг бошлиғи агроном П. С. Шкятин Олтойдан ва Акмолинск областидан келган экскурсиячиларга шу МТСнинг иши ҳақида сўзлаб берди. Янги ташкил этилган «Украинский» совхозининг тракторчиси А. М. Цоцорин кўриқ ерларни ҳайдаш тажрибасини айтиб берди.

«Урал» павильонида Шадрин районининг Сталин мукофоти лауреати Т. С. Мальцев ишлаётган «Заветы Ленина» колхозига бағишланган стенд ёнида ҳаркуни бир мингга яқин киши консультация олиб турмоқда. Бу павильонни кунига ўрта ҳисоб блан 25—30 минг киши келиб кўради. Павильон методистлари экскурсиячиларнинг группалари блан алоқа боғлаб, жўнаб кетиш олдидан виставкада қилинган иш натижаларини якунлайдилар. Курган области делегацияси блан 31 августда ана шундай навбатдаги суҳбат ўтказилди. Бу делегация а'золари виставкада қандай янгиликларни кўрганликлари ва ўз ноойларига қайтиб борганларидан кейин илғорларнинг тажрибасини ўз ишларида қандай қўлланажаклари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Кеча ма'мурий корпусининг мажлислар залида СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг агрономи ўртоқ Смирнов суҳбат ўтказди. У Сибирьдаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш хусусиятлари тўғрисида гапирди.

Колхоз маданият уйида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Г. Я. Петренко кузги ва баҳори экин уруғини экиш олдидан нитрагин ва азотобактерин блан дорилашнинг янги усуллари ҳақида суҳбат ўтказди. У қоратупроқ бўлмаган ерада дон хўжалиги илмий-текшириш институтининг шу соҳадаги ишлари ҳақида гапирди.

«Манежа» лекция залида Ставрополь ўлкасидаги Сталин номли совхознинг старший чўпони И. В. Герасименко бу хўжаликда тез ўсадиган сергўшт-сержун қўйлар қандай ўстирилаётганлигини сўзлаб берди. Суҳбатдан кейин залда Ставрополь ўлкасининг чорвачилик илғорлари тўғрисидаги кинофильм кўрсатилди.

Москва атрофидаги «Петровское» совхозининг бош зоотехниги А. Д. Бурлеев «Дон» павильони лекторийсида чорвачилик фермасидаги ишларни комплекс усулида механизациялаш тажрибасини айтиб берди. (ТАСС).

Москва. Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкаси. **Суратда:** виставка қатнашчилари «Шимолий Кавказ» павильонидаги Каменский область стендини кўрмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

Қурилиш ишларидаги сусткашликка барҳам берайлик

Партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида турли саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар ва уй-жой бинолари қурилишига ҳар йили тобора кўпроқ маблағ сарфламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида областимиз бўйича қурилиши керак бўлган об'ектларга давлат томонидан эллик миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланиш ҳамда қурилиш участкаларини белгиланган муддатда эксплуатацияга топширишда областимизнинг айрим қурилиш трестларининг ишчи ва хизматчилари катта ташаббускорлик билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент қурилиш трести 2, 3, ва 5-нчи монтаж участкаларининг рахбарлари бинокорлар ўртасида иш сур'атини оширишга ёрдам берадиган барча тадбирларни ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ қилишга амалга оширмоқдалар. Айниқса, Киров районида қад кўтараётган детальлар ишлаб чиқаручи завод ҳамда 3 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой ва маданий муассасалар қурилишларида иш жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўртоқ Аветисов раҳбарлик қилаётган бу 3-нчи қурилиш-монтаж участкасининг ишчи ва хизматчилари янги бинолари республикамизнинг 30 йиллиги шарафига совға қилиш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб, юқсак натижаларга қўлга киритмоқдалар. Улар белгиланган давлат планларини ой сайин бажариб келмоқдалар. Трестнинг 2 ва 5-нчи участкалари Москва районидаги 75-нчи ва Киров районидаги 20-нчи ўрта мактаб биносининг учинчи қаватларини муддатидан илгари қуриб бўлдилар.

Лекин, трестнинг барча участкаларида ҳам иш бир хилда — яхши ташкил қилинган деб, бўлмайди. 1954 йил ичида Тошкент шаҳрида қурилиб битказилиши лозим бўлган об'ектларга давлат томонидан 84031 сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, шу кунга қадар бу маблағнинг 29510 сўмидангина фойдаланилган. Трест бошлиғи Ўртоқ Скребневнинг камхафсалалиги, ишга совуққонлик блан қараши натижасида барча участкалардаги иш бир me'ёрда олиб борилмаётир.

Айниқса Ўзбекистон Фанлар академияси биносининг устига учинчи қават қураётган ўртоқ Йўлдошев бошлиқ 6-нчи участкада иш жуда ачинарли аҳволда. Бу ерда иш бошланганига 2 ярим ой бўлганига қарамай, шу вақтга қадар фақат 2 метр баландликка ғишт терилган. Участкада ғишт теручи кадрлар етишмайди. Қурилиш-монтаж участкасининг рахбарлари эса, ихтисосли ишчилар танлаш ишига совуққонлик блан қараб келмоқдалар. Уларнинг бепарволиги ва мас'улиятсизлик блан ишлашлари натижасида бу йил қурилган бирнеча бинолар айрим майда, аммо зарур ишлари тугалланмаганлиги учун давлат комиссияси томонидан қабул қилинмади. Физкультура техникумининг биноси ҳали тўла битказилмаганлиги ҳолда эксплуатацияга топширилди.

Бу йил областимизда қурилиш тормоқлари анча кенгайтирилди, ўтган йилдагига қараганда қурилишларга кўп маблағ ажратилди ва қурилиш участкалари етарли мутахассис кадрлар блан та'минланди. Область бўйича 6 мактаб, 1 болалар боғчаси, 2 туғуруқхона, Тошкент ва Янгийўл шаҳарларида 4 касалхона бинолари қад кўтарди.

Шу кунларда юридик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги институтлари, шунингдек В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети каби олий ўқув юртларининг студентларига янгидан ётоқхона қурилмоқда. Бу йил область бўйича ҳаммаси бўлиб 10679 квадрат метр ҳажмда турли бинолар қурилиши керак.

Бу муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳарбир қурилиш ташкилоти раҳбаридан ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, ишчилар ўртасида прогрессив иш усулларини кенг ёйиш, участкани керакли қурилиш материаллари блан етарли равишда та'минлаш талаб этилади.

Аммо, областимиз бўйича қурилиш ишларининг етти ойлик якуни раҳбарларнинг камчиликларни тугатиш учун кескин чоралар кўрмаганликларини исботлайди. Бу йил эксплуатацияга топширилиши керак бўлган бинолардан шу кунгача фақат 135 квадрат метр ҳажмдаги бино фойдаланишга топширилди.

Бинолари белгиланган муддатда қуриб, уни ўз вақтида эксплуатацияга топширишни орқага сураётган Тошкент қурилиш трестига (бошлиғи Ўртоқ Скребнев) қарашли 4 ва 6-нчи, Янгийўл шаҳридаги 1-нчи (бошлиғи Ўртоқ Яковлев), Чирчиқ шаҳридаги 12-нчи (бошлиғи Ўртоқ Рягалов) қурилиш-монтаж участкалари бунга яққол мисол бўлаолади.

Бўзсув посёлкасидаги озиқ-овқат базаси қурилишида хўжасизлиққа йўл қўйилиши оқибатида участкага келтирилаётган ғиштлар бир жойга уюлиб ташланган, унинг кўпчилик қисми синиб ётибди. Бунинг устига, ғиштларнинг тагига сув кириб кетган. Ишчиларнинг кўпчилиги қиладиган ишларини билмайдилар. Шу сабабли улар тўғри келган ишларни бажараверадилар. Участкада Чирчиқ шаҳридаги ҳунар мактабини битириб чиққан ёш ишчилар ишламоқда. Улар назарий билимга эга бўлсалар ҳам, амалий ишда етарли тажрибага эга эмаслар. Қурилиш раҳбарлари ёш ишчиларнинг иш малакасини оширишга, улар ўртасида илғор иш методларини кенг ёйишга бефарқ қарамоқдалар. Шунинг натижасида, участка бўйича етти ойлик план 24,9 процент бажарилди, холос.

Областьдаги қурилиш ишларининг шу қадар суст ва сифатсиз бораётганлиги Уй-жой ва граждан қурилиш министрлигига ҳам (министр Ўртоқ Хўжаев) ма'лум. Броқ министрлик ходимлари мавжуд камчиликларга хотима бермай келаётирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қурилишлар учун йиғма темир-бетон конструкциялар ва детальлар ишлабчиқаришни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қурилиш министрликлари ва бинокорлар зиммасига ғоят катта ҳамда мас'улиятли вазифалар юклади ҳамда қурилиш ишларининг сур'атини тобора тезлатиш йўлларини белгилаб берди. Ана шунга асосан қурилиш участкалари раҳбарларининг вазифаси шу пайттача йўл қўйиб келинган хато ва камчиликларни тезда тугатиш, транспортер, кўтарма кран ва бошқа хил механизмлардан тўла фойдаланиш, илғор бинокорларнинг иш методини кенг ёйиб, белгиланган об'ект қурилишларини тез ва сифатли битказишдан иборатдир.

Т. УНАБОЕВ.



Тошкентдаги экскаватор заводининг илғор рандаловчиси Николай Филянин кундалик топшириқни доим 140 — 180 процентдан ado этиб келмоқда. **Суратда: Н. Филянин** иш устида.
И. Глауберзон фотоси.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ГАЗОМОТОКОМПРЕССОР «10—ГК1»

Горький шаҳридаги «Двигатель революции» заводининг коллективи нефть ва газ саноати учун мотори газ блан ҳаракатланучи компрессорларни кўплаб ишлабчиқаришни ўзлаштирди. «10—ГК 1» маркали бу агрегат 10 та цилиндрли мотор ва компрессордан иборатдир. Газомотокомпрессор 1 соат ичида 22 минг кубометрдан ортиқ газ чиқаради. Ўзи эса шу вақт ичида фақат 330 кубометр, я'ни ўзи чиқарган газнинг 1,5 процентини исте'мол қилади. Бу агрегатни бошқариш жуда осон ва қулайдир. Бир киши айни вақтда бирнеча газомотокомпрессорларни муваффақият блан идора қилаолади.

ВИНО ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Узум виноларини етилтириш, одатда вино тайёрлашда узоқ вақт талаб қилинадиган энг муҳим процесслардан ҳисобланади. Совет олимлари ана шу процессни тезлаштириш ва виноларни етилтириш технологиясини яхшилаш йўлини кўп вақтдан бери қидирар эдилар. Бу соҳада Москвадаги озиқ-овқат саноати технологияси институтининг илмий ходимлари бирмунча муваффақиятга эришдилар.

РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби профессор М. А. Герасимов узум винолари тайёрлашни тезлаштиручи янги методни ва аппаратурани ишлаб чиқди. Унинг томонидан таклиф этилган янги усул виноларни етилтириш процессини 2 баробар қисқартиради. Шунингдек, маҳсулотнинг сифатини бирмунча яхшилаб, унинг лаззатли бўлишини та'минлайди.

Вино тайёрлашдаги янги усулни кенг равишда қўлланиши ишлабчиқариш майдонини қисқартириш ва вино заводларининг қувватини ошириш имкониятини беради.

ЎҒИТЛОВЧИ МАШИНА

Илгарилари бир гектар ерга 20 тонна ўғит солиш учун 6 киши 2 отли аравада бир кун кечгача ишлар эди. Бу оғир ишни енгиллаштириш ва иш унумини ошириш мақсадида совет инженерлари «ТУР—7» маркали универсал машина кашф этдилар. Бу машина 5 тоннагача ҳк кўтараолади. Машинага торф, ғўнг, ҳархил аралашма ва минерал ўғитлар солинади. Транспортёр ёрдами блан бу ўғитлар бирйўла майдаланиб, аралаштирилади ва сўнгра ерга сепилади. Бу машина трактор орқасига тиркалиб ишлатилади.

Ўғитловчи машинани қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришида қўлланиш натижасида илгарилари 12 киши бажарадиган ишни бир киши бажараоладиган бўлди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент темир йўлининг Тошкент области бўйича етакчи касбдаги старший ва ўрта бошлиқлар составини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Темир йўл транспортида кўп йил хизмат қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 28 июльдаги Фармонига мувофиқ **мукофотлансинлар.**

«МЕҲНАТДА ҲУРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

7. Абу **Ойқўзиев** — Боёвут раз'ездининг стрелкачиси.
8. Қорабой **Акраев** — Тошкент йўл станциясининг бригада бошлиғи.
9. Евгений Васильевич **Акшенцев** — йўл хизматининг старший инженери.
10. Константин Константинович **Александров** — йўл хизмати техника бўлимининг бошлиғи.
11. Мукаррам **Алимова** — темирйўл Тошкент бўлими снёсий бўлими бошлиғининг ёрдамчиси.
12. Рамазон **Алакбаров** — Сергели йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
13. Михаил Павлович **Алхов** — Урсатьевск бўлимининг инженери.
14. Хабибулла **Аранкулов** — Тошкент сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.
15. Умар **Орипов** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.
16. Анастасий Иванович **Артемьев** — йўл хизмати проект-қидириш группасининг старший инженери.
17. Риспой **Аҳмедов** — Сергели йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
18. Илёс **Аҳмедов** — темирйўл Тошкент бўлими сув блан та'минлаш секторининг мастери.
19. Жўра Акбарович **Аҳмадхўжаев** — вагон хизмати бошлиғининг ўринбосари.
20. Убайдулла Зокирович **Ахмедов** — Бўзсув станциясининг бошлиғи.
21. Собир **Очилов** — Тошкент йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
22. Қўзимурод **Бобомуродов** — Урсатьевск кондукторлар резервининг бош кондуктори.
23. Охунжон **Боховуддинов** — Ангрен станцияси бошлиғининг старший ёрдамчиси.
24. Магруй Халилулловна **Байгильдина** — темирйўл Тошкент бўлимининг старший инженери.
25. Калкас **Байнитов** — Жилга станциясининг навбатчиси.
26. Куприян Игнатьевич **Балл** — йўл бошқармаси ишчи кадрлар секторининг старший инспектори.
27. Евгений Павлович **Баликов** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
28. Николай Семёнович **Барчан** — Тошкент вагон депосининг старший назоратчиси.
29. Григорий Фёдорович **Батолин** — Тошкент 1-нчи йўл машина станциясининг йўл мастери.
30. Дарья Степановна **Бобина** — Чирчиқ станциясининг стрелкачиси.
31. Никифор Алексеевич **Буланов** — Тошкент вагон участкасининг поезд — вагон мастери.
32. Орип Абдуллаевич **Бурнашев** — Урсатьевск бўлими локомотив бўлимининг инженери.
33. Марья Павловна **Бицко** — харакат хизматининг оператор-хисобчиси.
34. Георгий Владимирович **Власов** — ҳаракат хизматининг старший ревизори.
35. Пелагея Ефимовна **Власенко** — харакат хизматининг оператор-хисобчиси.
36. Иван Егорович **Воеводин** — Урсатьевск кондукторлар резервининг бош кондуктори.
37. Антонина Николаевна **Гавриленко** — Тошкент кондукторлар резервининг старший бухгалтери.
38. Павел Петрович **Гадятский** — Урсатьевск вагон участкаси бошлиғининг ёрдамчиси.
39. Василий Иванович **Галкин** — молия бўлимининг поездлар контролер-ревизори.
40. Ахмад **Ғаниев** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.
41. Никита Иванович **Гвоздиков** — Келес станциясининг навбатчиси.
42. Григорий Андреевич **Глухов** — Тошкент вагон участкасининг поезд-вагон мастери.
43. Николай Петрович **Глушенко** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
44. Клавдия Фёдоровна **Голубева** — молия бўлимининг экономисти.
45. Илюсина Андреевна **Голумбиевская** — Урсатьевск бўлими план секторининг экономисти.
46. Алексей Васильевич **Горин** — Кауфман станциясининг стрелкачиси.
47. Ираида Григорьевна **Гриднева** — юк ташиш ишлари ва юк ташишни планлаш хизматининг экономисти.
48. Фатхулла **Ғуломов** — Урсатьевск бўлими эксплоатация бўлимининг бошлиғи.
49. Владимир Григорьевич **Дектярев** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
50. Анастасия Васильевна **Демина** — Урсатьевск кондукторлар резервининг бош кондуктори.
51. Елена Дмитриевна **Деревнина** — партизан раз'ездининг стрелкачиси.
52. Сулаймон **Жамонқулов** — Урсатьевск йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
53. Иван Алексеевич **Джафаров** — Тошкент сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.
54. Зовурбек **Жўрабеков** — Ченгелди паровоз депосининг стрелкачиси.
55. Ашурбой **Жумабоев** — Урсатьевск вагон участкасининг паровоз-вагон мастери.
56. Надежда Яковлевна **Дикарева** — Тошкент товар станциясининг стрелкачиси.
57. Евдокия Владимировна **Довгас** — Кауфман станциясининг стрелкачиси.
58. Сергей Сергеевич **Доль** — Тошкент товар станцияси тепловоз депосининг машинисти.
59. Елина Петровна **Дубовицкая** — Ялонғоч станциясининг бошлиғи.
60. Виктор Георгиевич **Дидикин** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
61. Зоя Степановна **Евсеева** — йўл хизмати проект группасининг старший инженери.
62. София Максимовна **Егорова** — статик ҳисобот ва отчёт бўлимининг старший инженер-экономисти.
63. Зоя Васильевна **Емилянова** — Тошкент товар станциясининг стрелкачиси.
64. Александр Андреевич **Ерохин** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг инженери.
65. Евгений Артемьевич **Жакулина** — Урсатьевск электр станциясининг старший бухгалтери.
66. Вера Тимофеевна **Жаринова** — Тошкент товар станциясининг стрелкачиси.
67. Терентий Ефимович **Жил** — Урсатьевск сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.
68. Иван Андреевич **Жирков** — Урсатьевск бўлими меҳнат ва ишҳақи бўлимининг старший инженери.
69. **Асқат Закиев** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
70. Анна Афанасевна **Заликина** — темирйўл Тошкент бўлими юк ташиш секторининг старший инженери.
71. Модест Евгеньевич **Зверев** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.
72. Василий Иванович **Золотов** — Тошкент вагон участкаси кадрлар бўлимининг бошлиғи.
73. Махмуд **Иброҳимов** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.
74. Кузьма Иванович **Иванченко** — Тошкент Кондукторлар резервининг бош кондуктори.
75. Алексей Петрович **Ивашков** — Тошкент товар станцияси бошлиғининг ўринбосари.
76. Екатерина Николаевна **Ивановская** — Урсатьевск бўлимининг навбатчиси.
77. Анна Фёдоровна **Иванова** — Велико-Алексеевская станциясининг стрелкачиси.
78. Ўлмас **Илёсов** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.
79. Вера Федоровна **Иноземцева** — Сирдарё ёқилги складининг стрелкачиси.
80. А'зам **Эргашев** — Тошкент йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
81. Мария Афанасевна **Исаева** — Сергели йўл дистанцияси паспорт столининг бошлиғи.
82. Виктор Иванович **Исаханов** — бош бухгалтериянинг ревизори.
82. Худойберган **Эшпўлатов** — Тошкент йўл дистанциясининг йўл мастери.
84. Қулбек **Қодиров** — Урсатьевск йўл дистанциясининг бригада бошлиғи.
85. Иван Егорович **Кандратьев** — Хилкова станцияси бошлиғининг ўринбосари.
86. Фахри Гарафутдинович **Карипов** — Сергели йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
87. Бобохўжа **Қосимов** — Урсатьевск йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
88. Ираида Ивановна **Каткова** — статистик ҳисобот ва отчёт бўлимининг инженер-экономисти.
89. Кентой **Кеншинбоев** — Ченгелди оборот депосининг стрелкачиси.
90. Петр Михайлович **Клинченко** — Молия бўлимининг поездлар контролёр-ревизори.
91. Мария Кондратьевна **Колмасова** — темирйўл Тошкент бўлимининг поездлар диспетчери.
92. Михаил Григорьевич **Коньков** — Тошкент вагон участкасининг автотормоз бўйича мастери.
93. Петр Иванович **Кондратьев** — Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг машинисти.
94. Евдокия Гавриловна **Космановна** — Чирчиқ станциясининг стрелкачиси.
95. Хамид Абдуллаевич **Конеев** — Урсатьевск бўлими техника секторининг бошлиғи.
96. Анатолий Петрович **Коржень** — юк ташиш ишлари ва юк ташишни планлаштириш хизматининг старший инженери.
97. Юлий Михайлович **Костин** — Тошкент сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг старший электромеханиги.
98. Евгений Евдокимович **Крайнов** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
99. Борис Федорович **Красильников** — йўл хизматининг старший инженери.
100. Зинаида Петровна **Крижиманцева** — Молия бўлимининг экономисти.
101. Анна Федоровна **Кубракова** — Чирчиқстрой станциясининг навбатчиси.
102. Юрий Александрович **Кудашев** — Урсатьевск бўлимининг инженери.
103. Тамара Никитична **Кудинова** — Урсатьевск бўлимининг поездлар диспетчери.
104. Ксения Константиновна **Кузнецова** — Кауфман станциясининг стрелкачиси.
105. Федор Петрович **Кузеров** — Тошкент вагон депосининг старший вагон назоратчиси.
106. Павел Данилович **Кузьменко** — Урсатьевск сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.
107. Жигитбой **Кулҳужаев** — Урсатьевск йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
108. Жумабой **Қурбонов** — Тошкент йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
109. Сафо **Қурбонов** — Урсатьевск йўл дистанциясининг йўл назоратчиси.
110. Иван Семёнович **Курдюков** — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти.
111. Иван Вавилович **Кусмарцев** — Тошкент сигналлаштириш ва алоқа дистанциясининг электромеханиги.
112. Анна Корнеевна **Лазарчук** — темирйўл Тошкент бўлимининг эстакада стрелкачиси.
113. Лукерия Михайловна **Лазарева** — темирйўл Тошкент станциясининг эстакада стрелкачиси.
114. Яков Абрамович **Левентас** — Чирчиқ станцияси бошлиғининг старший ёрдамчиси.
115. Ольга Васильевна **Левицкая** — темирйўл Тошкент бўлими техника секторининг бошлиғи.

(ДАВОМИ БОР).

*) Боши «Тошкент ҳақиқати»нинг 21, 22,25, 27 ва 31 август сонида босилган.

Олинган мажбурият бажарилмоқда

Тошкентдаги СССР машинасозлик министрлигига қарашли «Ильмашстрой» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари йиллик давлат программасини маҳсулотнинг барча турлари буйича муддатидан 15 кун олдин бажариш, йил охригача 300 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумини 15 процент ошириб, маҳсулот таннархини янада камайтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Завод коллективи фидокорона меҳнат қилиб, 8 ойлик ишлабчиқариш топширигини муддатидан бирнеча кун илгари бажарди. Шу вақт ичида плондан ташқари 224 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унуми 9,7 процент оширилди, маҳсулот таннархи эса 7,3 процент камайтирилди. Бу йил ўтган йилги 8 ойликдагига нисбатан 25 процент ортиқ маҳсулот ишлабчиқарилди. Йил бошидан бери заготзернолардаги юк машиналари учун 215 минг сўмлик запас қисмлар тайёрланди.

Кекса токарь Д. И. Шаблин бошчилигидаги механика цехи цехлараро мусобақада биринчи ўринда бормоқда. Бу цех ишчиларининг биронтаси ҳам кундалик топширикни 120 процентдан кам бажармайди. Рандаловчи Қ. Эгамбердиев, электрпайвандчи Симакова, токарь В. Яшин, слесарь А. Подяшкин, қолипловчи Баландин каби 30 дан ортиқ ишчи систематик равишда кундалик топширикни 1,5—2 ҳиссадан ошириб бажариб, ҳозир 1955 йил ҳисобига маҳсулот ишламоқдалар.

Б. ИМОМОВ.

Халқимизга муносиб спектакльлар яратайлик

(Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик Драма театрининг янги мавсуми очилиши муносабати блан)

Бугун Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик Драма театри «Қутлуғ қон» спектакли блан янги мавсумни очади.

Театр коллективи ҳарбир янги мавсумнинг янги ижодий юксалиш босқичи эканлигини яхши билади. Чунки республикамизнинг хўжалик ва маданий жиҳатдан юксалиши блан бир қаторда совет тамошабинларининг маданий савияси, сан'аткорлар олдига, театр жамоатчилиги олдига қўяётган талаби ҳам тобора ошиб бормоқда. Театр ижодий коллективи ҳар сафар янги мавсумни бошлар экан тамошабинлар блан қизиқарли учрашувлар ўтказишга, уларнинг юксалиб бораётган дидига мос етук асарлар яратиб беришга ҳаракат қилади.

Ўтган мавсумда Ҳамза номидаги театрнинг ижодий коллективи пойтахт тамошабинларига икки янги спектакль (Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» комедияси, Ойбек романи асосида Т. Хўжаев ёзган «Қутлуғ қон» драмасини) тақдим қилди. Бундан ташқари театр репертуаридаги илгари саҳнага қўйилган «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Отелло», «Шоҳи сўзана», «Гамлет», «Туркия ҳақида ҳикоя» каби энг яхши спектакльлар Тошкент меҳнаткашлари томонидан зўр қизиқиш блан тамоша қилинди. Ўтган мавсумда театр коллективи театрнинг ўзидагина эмас, балки областьнинг кўпгина районларида, шаҳарнинг йирик фабрика ва заводларининг клубларида ҳам ўзининг энг яхши спектакльларини намойиш қилди. Театрнинг пешқадам артистлари блан ишчи ва колхозчиларнинг учрашувлари ташкил қилинди.

Театрнинг ижодий коллективи янги мавсумни очар экан ўтган мавсумда йўл қўйган камчиликларини эслаб, бу йил уларни такрорламаслик чорасини кўриши керак.

Театр ишидаги муҳим камчиликлардан бири шуки, театр репертуарида Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасидан бирорта ҳам янги спектакль йўқ. Ўтган мавсумда театр коллективи совет кишиларининг ҳаётини тасвирловчи, уларнинг орзу ва истакларини ифодаловчи, Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган бирорта янги асарни кўрсатмади. Шунингдек рус ва четэл драматургиясидан бирорта пьесани ҳам саҳнага қўймади.

Ҳарқандай театрнинг ишидаги муваффақият унинг репертуарига боғлиқ. Ўз репертуарини бойитиш устида жиддий иш олиб бормаслик театр фаолиятидаги энг катта камчиликдир.

Пухта ўйлаб тузилган яхши репертуар театрнинг ижодий фаолиятини белгилайди, унинг тарбиявий аҳамиятини оширади, кенг меҳнаткаш омма блан алоқасини кучайтиради.

Ҳамза номли театр репертуаридаги спектакльлар орасида тамошабинларимиз талабини қондираолмайдиган асарлар ҳам бор.

Масалан, «Бир севги афсонаси» спектаклини олиб кўрайлик. Пьеса демократ турк шоири ва ажойиб драматург Нозим Ҳикмат томонидан катта маҳорат блан ёзилган. Пьесани саҳналаштириш учун театрнинг энг яхши артистлари жалб этилганига қарамасдан спектакль театр ижодий коллективининг имкониятларидан паст даражада бўлиб чиққан. Спектакль режиссёри А. О. Гинзбург спектакльда пьесанинг асосий, бош ғоясини, я'ни халққа бўлган муҳаббат идеясини очиб бераолмаган. Нозим Ҳикмат ўз асарида, инсон ўз халқига хизмат қилсагина чинакам бахтиёр бўлаолади, деган олижаноб ғояни талқин қилган. Ана шу муҳим ва асосий ғоя режиссёрнинг диққат марказида туриши керак эди. Аммо А. О. Гинзбург бу олижаноб ғояни театр сан'ати воситалари орқали ҳартарафлама, чуқур очиб бераолмаган. Спектакльда халқ мутлақо кўринмайди. Фарҳод халқ қаҳрамони эмас, балки малика Ширинга ошиқ бўлган қаҳрамон сифатида талқин қилинган. Режиссёр оммавий саҳналарни ҳам яхши талқин қилаолмаган. Айрим иштирок этучилар саҳнада бекордан-бекорга югириб юрадилар. Мунажжим, Бош ҳаким, Нома'лум киши каби персонажлар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ташқи қиёфалари бундан 20 йилча илгари Ҳамза театрида қўйилган В. Яннинг «Ҳужум» пьесасидаги шу хилдаги образларни эслатади. Гинзбургнинг спектакльни ҳал қилишга форма чистларча муносабатда бўлганлиги, артистларнинг Фарҳод (Ш. Бурҳонов), Ширин (И. Алиева), Ашраф (М. Юсупов) каби образлар устида юзаки иш олиб борганликлари, натижасида спектакль сифатсиз бўлиб чиққан. Рассом С. Миленин турк халқининг сан'атини кўрсатиш ўрнига шарқ феодал сан'атини идеаллаштириб кўрсатган.

М. Горькийнинг «Васса Железнова» пьесаси устидаги ишларни тамомланган деб айтиш мумкинми? Максим Горький ўзининг «Васса Железнова» пьесасида капиталистик тузумнинг ҳалокатини акс эттиручи буржуа оиласининг емирилишини кўрсатиб беради. Пьесадаги революционер аёл Рашель образи орқали капиталистик системани аёвсиз ташлайоладиган янги қудратли куч тасвирланган. Спектакльнинг снёсий жиҳатдан тўлақонли бўлиб чиқиши учун революционер Рашель образи тўғри ҳал қилинган бўлиши керак. Броқ театр спектакльдаги бу ижобий қаҳрамон образини очиб беришнинг, Рашель орқали революцион синфни кўрсатишнинг уддасидан чиқаолмаган. Натижада «Васса Железнова» спектаклида капиталистик тузумнинг ҳалокати муқаррар эканлиги ва капитализмнинг гўрковн бўлган янги пролетар синфининг туғилиши кўрсатиб берилмаган. Бош қаҳрамон образини юзаки талқин қилиш спектакльнинг бадиий қиймати пасайтиручи бошқа камчиликларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлган.

Партия матбуоти ўз вақтида бу камчилик ва жиддий нуқсонлар ҳақида ёзган эди. Лекин театр коллективи жамоатчилик фикрига қулоқ солиш ўрнига спектакль устидаги ишни тўхтатиб қўйди. Бу аҳвол театр раҳбарларининг яратилган спектакль устида изчиллик блан иш олиб боришни истамаётганликларидан, унинг сифати ҳақида қайғирмай келаётганликларидан далолат беради.

Театр ўтган мавсумда «Юрак сирлари» ва «Қутлуғ қон» спектакльларига кўп вақт ва куч сарфлади-ю, репертуаридаги бошқа спектакльлар устида ҳеч қандай иш олиб бормади. Шунинг учун ҳам янги спектакльлар кетма-кет қўйилаверади, бошқа спектакльлар эса кам кўрсатилади. Масалан, «Юрак сирлари» шу йилнинг январидан бери 80 марта, «Қутлуғ қон» май ойидан бери 25 марта кўрсатилгани ҳолда «Макар Дубрава» ва «Туркия ҳақида ҳикоя» каби спектакльлар 4—6 мартадангина қўйилди.

Илгари тайёрланган кўпгина спектакльлар асло қўйилмайди, қўйилса ҳам репетициясиз кўрсатилаверилади. Масалан, 27 майда қўйилган «Макар Дубрава» спектаклида артистларнинг ҳаммаси ёмон ўйнади; пьеса текстлари ташлаб кетилди, артистлар ўзларича айрим гапларни қўшиб айтдилар, мизансценаларни ўзгартирдилар, бир-бирларини чалкаштирдилар ва ҳоказо. Унда талқин қилинган образларнинг ички дунёси ҳам, ташқи қиёфаси ҳам тўла тарзда очиб берилмади. Спектакль репетициясиз қўйилди. Машқур украин драматурги А. Корнейчукнинг бу ажойиб пьесаси шу кунги сохталаштирилган ҳолда тамошабинларга тақдим этилди. 21 апрель куни қўйилган «Ревизор» спектакли ҳам тамошабинларнинг талабини қондираолмайдиган даражада ёмон ўйналди.

Тез-тез учраб турадиган бундай фактлар театр раҳбарларининг саҳнага қўйилаётган спектакльларга ижодий муносабатда бўлмаётганликларидан далолат беради

К. С. Станиславский, театр сан'ати спектакльларнинг янгиланиб турилишини, изчиллик блан ижодий иш олиб борилишини, ҳарбир артистнинг ўз устида қунт ва сабот блан ишлашини талаб қилади, чунки сан'ат доимо янгиликни ўзлаштириб олиши, ҳаётни бадиий образларда тўлалигича акс этдириши керак, турғунлик, ўлик ва чирик нарсалар унга ёт, у тўхтовсиз ўсишда, ўзгаришда ва ҳаракатдадир, деб та'лим беради. Кеча яхши бўлган нарса бугун ёмон бўлиб қолиши, кечаги зарур нарса бугун керексиз бўлиб қолиши мумкин.

Худди шу гаплар Ҳамза номли театр ҳаётига татбиқ қилинса, ҳарбир спектакль устида доимо ижодий иш олиб бориш уни янгилаб туриш, репетициларни сифатли ўтказиш зарурлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади.

«Юрак сирлари» спектакли ҳам жиддий камчиликдан ҳоли эмас. Ундаги энг асосий камчилик Санобар, Илҳом каби ижобий қаҳрамонларнинг образлари бўш чиқанлигидир.

Санобар ролини ўйнаган артист Х. Хўжаева илғор ўзбек аёлининг жонли образини яратолмади. Унинг ижросидаги Санобар доно, иродали, олижаноб фазилатларга бой, ҳаётдаги ўз ўрнини топабилган; халқ иши учун толмай курашучи, шахсий ғамини ёнгабилган олиманинг жонли образи даражасига кўтарилмаган. Театр ижодий коллективи Илҳом (артист Қ. Хўжаев) образида иродали олижаноб фазилатларга эга бўлган, совет кишиларига ўрнак бўлаоладиган ўзбек олимининг образини яратолмади. «Юрак сирлари»даги Илҳом образи ўз оиласига ма'навий та'сир кўрсатаоладиган даражада кучли образ бўлиб чиқмаган.

«Қутлуғ қон» спектаклидаги жиддий нуқсонлардан бири коммунист Петров (артист М. Юсупов) образининг тўла қонли бўлиб чиқмаганлигидир. Артист ўз қаҳрамонини иродали, чуқур мулоҳазали ленинчи большевикларга хос ташаббускор ва актив революционер қилиб кўрсатмаган. Бунинг сабаби шундаки, артист янги роль устида ишлаётганида ўзи яратган образлар доирасидан чиқаолмаган, янги, ижодий изланишлар ўрнига илгари топилган приёмлар блангина чегараланиб қолган.

Артист ўз қаҳрамонининг ички дун'ёсига чуқур кирабилмаган, унинг хаёли блан яшамаган, Петровнинг интилишлари ва туйғуларини тўла очишга қаракат қилмаган. Бунда артист олдига конкрет вазифа қўяолмаган режиссёр Т. Хўжаев ҳам айбли. Чунки у спектакльнинг қимматини белгиловчи бош рольлардан бўлган Петров образининг моҳиятини тўла очиб бериш учун тўғри йўл кўрсатиб беришн керак эди.

Спектакльда тамошабинларнинг воқиани тушуниб олишида қийинчилик туғдирадиган ортиқча, ноўрин саҳна ва эпизодлар бор. Спектакльдаги олтинчи кўриниш ортиқча. Инсценировка автори Т. Хўжаев бу кўринишда Гулнорни отаси Ерматнинг қўлига тушганлигини кўрсатмоқчи бўлади. Бу воқиани қаҳрамонларнинг гапи орқали берилганда, спектакль анча ихчамлашган бўлар эди. Бизнингча фитна тайёрлаш (бешинчи) ва Шокир отанинг уйи (тўққизинчи) кўринишларни қисқартириш ҳисобига 7, 10 кўринишларни янада жонлантириш керак эди. Охирги кўринишдаги халқ қўзғолонини тўлароқ ва кенгроқ бериш зарур. Яна бу кўринишга чор чиновникларини, йирик маҳаллий ҳукмдорларни киритиш, халқ вакилларини кўпайтириш ва шу орқали синфий курашнинг кескинлигини, халқ ҳаракати бўронининг қудратини тўлиқроқ кўрсатиш фойдали бўлар эди.

Театр коллективи бу камчиликларни йўқотиш учун курашса, «Юрак сирлари», «Қутлуғ қон» ва юқорида айтилган бошқа спектакльлардаги нуқсонларни тугатса бу спектакльлар ҳам «Алишер Навоий», «Шоҳи сўзана», «Отелло», «Туркия ҳақида ҳикоя» каби халқимиз томонидан севилиб, завқ блан қайта-қайта тамоша қилинадиган етук спектакльлар даражасига кўтарилган бўлар эди.

Театр бадиий советининг фаолияти ҳам танқидга лойиқ. Унда ижодий раҳбарлик сезилмайди. Бадиий совет

Далаларда социалистик мусобақани кучайтириб, пишиб етилган пахтани тезроқ йиғиб-териб олиш учун курашайлик!

Шарафли ҳуқуқни доимо сақлаш учун

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси, коммунист Ўртоқ Ҳошим Жўраев бошлиқ бригаданинг а'золари шу кунларда ўз меҳнатларининг самарасини кўриб, хурсанд бўлмоқдалар. Ез бўйи қилинган фидокорона меҳнат туфайли яхши ривожланиб, серҳосил бўлиб ўсган ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

Ўртоқ Жўраев 18 йилдан бери Бўка районидаги Юсупов номли колхознинг далачилик бригадасига бошчилик қилмоқда. У бошлиқ бўлган бригада сўнгги 13 йил давомида пахта ҳосилини муттасил равишда ошириб келмоқда. Ўтган йили бригада а'золари пахта топшириш планини 127 процент адо этдилар. Уларнинг бу меҳнати яхши тақдирланди. Ўртоқ Жўраев бошлиқ бир группа звено бошлиқлари ва колхозчилар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига юборилдилар.

Партия, ҳукуматимиз томонидан колхозчилар меҳнатининг бу хилда юксак тақдирланиши уларни меҳнатдаги ғайратларини янада ошириб юборди.

Бригада а'золари бу йил 61 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 40 центнердан пахта бериш мажбуриятини олдилар. Эргаш Ҳамдамов бошлиқ 1-нчи звенонинг 10 гектар ва Х. Қосимов бошлиқ 2-нчи звенонинг 13 гектар ердаги ғўзасида 15—16 тадан тўқ кўсаклар бўлиб, булар ҳозир қийғос очилмоқда.

Яқинда, пахта териш бошланиши олдидан бригада а'золарининг йиғилиши бўлди. Бунда бригада бошлиғи Ўртоқ Жўраев Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида эришилган ғоят катта ютуқлар ҳақида, ўнлоти иттифоқчи республиканинг чиройли қилиб ишланган ҳашаматли павильонларидаги ажойиб экспонатларда акс этдирилган прогрессив тажрибалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

— Биз, — деди Ўртоқ Жўраев, — ғоят катта синов олдида турибмиз. Бу синовдан муваффақиятли ўтсак, я'ни она-Ватанимизга кўп ва юқори сифатли пахта етказиб берсак, ўз вазифамизни шараф блан бажарган бўламиз. Виставка кандидати бўлиш катта шараф. Ўтган йилги ишларимиз учун бу йил виставка кандидати бўлган бўлсак, бу муваффақиятни янада мустаҳкамлашимиз ва бу йилги ишимизни а'ло натижалар блан якунлаб, шарафли ҳуқуқни сақлаб қолишимиз керак.

Бригада а'золари унинг сўзидан мамнун бўлдилар ва пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиб, Улуғ Октябрь байрамигача планни шараф блан бажаришга яқдиллик блан қарор қилдилар.

Я. ИСМАТОВ.

1. Бекобод районидаги 1-нчи МТС нинг Дзержинский номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Е. Белоконь бошлиқ бригадасининг механизаторлари мавсумда ҳарбир машина блан 80 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. **Суратда:** ўртоқ Е. **Белоконь**. 2. Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг а'золари пахта теримини кун сайин кучайтирмоқдалар. Дастлабки куни 8-нчи бригада а'золари 100 центнер пахта теріб топширдилар. **Суратда:** Тарозибон **Б. Ҳайдаров**, колхозчи ўртоқ **А. Дадажонова** терган пахтани қабул қилиб олмоқда.

В. Лейн, Б. Мазур ва **В. Епифанов** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахтаси машина блан териладиган майдонларда ғўза баргини ўз вақтида тўкайлик

Ўзбекистон КП Марказий Комитети III Пленумининг қарорига биноан республикада бу йил 850 — 900 минг тонна, шу жумладан бизнинг областимизда 123 минг тонна пахта машиналар блан терилиши керак.

Пахта териш машиналарининг ишини осонлаштирадиган муҳим агротехника тадбирларидан бири ғўза баргини сун'ий усулда тўкишдир.

Ма'лумки, ғўзанинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилга кириш даврларида барглларнинг ахамияти ғоят катта: улар ер ва ҳаводан олинадиган моддаларни ўсимликка сингадиган ҳолга айлантириб беради. Аммо, совет олимларининг ўтказган илмий-текширишлари натижасида олинган хулосаларга қараганда, барглларнинг ўсимлик ҳаётида ўйнайдиган роли доимий бирдек бўлмасдан, айрим даврларда ўзгариб туради ва ҳосил етилишига яқинлашган сари барглларнинг фойдаси камаяборади, ҳатто ма'лум муддатлардан кейин улар зарар ҳам келтиради. Барглар кўсакларни қоплаб олиб, уларнинг шамол, қуёш нурларидан баҳра олишига тўсқинлик қилади. Қатор ораларини бекитиб, ернинг бағрига иссиқликнинг ўтишини сусайтиради. Ез давомида ўсимлик поясида, кўсагида ва шу каби органларида тўпланган озиқ моддаларнинг ҳосилга айланишини секинлаштиради. Бундан ташқари, тўкилмаган барглар машина блан пахта терганда машинанинг шпиндельларига яшил қўйқа юқтириб, уларнинг равон ишлашига ҳалақит беради. Шпиндельларни тозалашга эса ортиқча вақт сарфланади. Қуриган барглар эса майдаланиб терилган пахтага илашади ва уни ифлос қилади.

Ғўза баргини тўкиш масаласи Союз НИХИнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси лабораторияларида илмий жиҳатдан текширилиб, зарур бўлган амалий хулосалар чиқарилган. Бу хулосалар колхоз ва совхозлардаги ишлабчиқариш шароитида синовдан ўтди.

Ғўза баргини сун'ий усулда тўкиш учун ҳозирги вақтда цианамид ёки у блан қўшилиб тайёрланган дорилар ишлатилади. Цианамид дориларининг яхши хислатларидан бири шуки, улар ўсимлик таркибидаги барча моддаларга бирданига та'сир этмасдан, балки хлорофильни аста-секин ишдан тўхтатади. Шунинг учун дори сепилгандан кейин ҳам ўсимлик тирик қолади, фақат баргларигина кундан-кунга жонсизланиб, тўкилиб тушади. Барглар шу хилда тўкилиши, худди кузда дарахт барглари ранг бериб тўкилишига ўхшайди. Ма'лумки, кузда дарахтнинг барглари тўкилиб кетгани блан унинг ҳаёти тўхтамайди, у фақат бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади, аммо ҳаёт процесси давом этаверади. Худди шунга ўхшаш дори сепилгандан кейин ғўза ҳаёти ҳам тўхтамай давом этаберади. Текширишлар, ғўза барглари тўкилгандан кейин ўсимлик танасидаги, шохларидаги ва томирларидаги озиқ моддаларнинг ҳосилга айланишини ва кўсакнинг тезроқ етилишини кўрсатди.

Биология фанлари кандидати В. Богомолованинг текширишлари, барги тўкилмаган ғўзага нисбатан, барги тўкилган ғўза ҳосилининг тезроқ етилишини исбот этади.

СоюзНИХИ нинг зонал станцияларида, 3 — 4 йилдан буён ўтказилаётган жуда кўп тажрибалар ғўза барги тўкилган участкаларда барги тўкилмаган участкаларга қараганда ҳосилнинг ўрта ҳисобда 0,9 — 4,1 центнер ортиқ бўлганини кўрсатди.

Ўтган йил 2-нчи Боёвут совхозида цианамид блан чанглатилиб, 500 гектар майдондаги ғўза баргларининг 83 проценти, Октябрь районидаги Киров номли колхозда 400 гектар майдондаги ғўза цианамид блан чанглатилиб, барглларнинг 84 — 85 проценти тўкилган. Натижада бу совхоз ва колхозларда ҳосилнинг энг кўпи машина блан терилди.

Барги тўкилган ғўзалар пахтаси машина блан терилганда машинанинг иш унуми 8 — 10 процент ортиб, терим ҳам 8 — 10 кун олдин бошланади. Демак, пахта терими ҳам анча эрта тугалланиб, шудгор ва бошқа кузги тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш мумкин бўлади.

Шунга қарамасдан, ўтган йилларда ғўза баргини пахта терими олдидан сун'ий усулда тўкишга етарлик аҳамият берилмади. 1953 йилда областьда пахтани машина блан териш планининг бажарилмай қолишининг асосий сабабларидан бири, ғўза баргини ўз вақтида тўкмаслик ба'зи ҳолларда бу ишнинг сифатли ўтказилмаслиги бўлди, Ба'зи колхоз раҳбарлари ғўза баргини тўкиш фойдали тадбир эканлигига тушунмадилар, аксинча улар бу тадбир ғўзани қуритиб қўяди, ҳосил камаяди деб чўчидилар, ҳолбуки илғор колхоз ва совхозлар тажрибаси бу хил хавфсирашларнинг асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун бу йил пахтани машина блан териш ишларини уюштиришда ўтган йилдаги хато ва камчиликлар такрорланмаслиги, ғўза баргларини тўкиш тўғри уюштирилиши керак.

Ғўза баргини тўкишни нормал технологик режимда тўкишиз лозим. Бунинг учун биринчи навбатда самолёт ва ОДН машиналари блан дориланадиган участкаларни аниқлаб олиш, заҳарли дориворларни келтириш, ўтган йилдан қолган ёки йил бошларида келтирилган дориларни анализ қилиб уларнинг яроқли эканлигини билиш лозим.

Машиналардан тўғри фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. ОДН машинасини ишлатадиган тракторнинг мотори коленчатий вални минутига 1200 марта айлантираолиши лозим. Пуркагич, чанглагич қисмлари нормага қараб созланиши, учликлар дори тиқилиб қолмаслиги учун тез-тез тозаланиб туриши, чанглаш учлиги ичидаги ҳаво оқимининг тақсимловчи қисмлари ўсимлик бўйига мосланиши зарур. Машиналарнинг иш унумини кўтариш мақсадида, қуруқ дориларни машина турган жойга етказиб бериш, суюқ дориларни эса машина ишлайдиган участкаларда тайёрлаш зарур.

Ғўза баргини тўкиш муддатлари областьнинг район, ҳатто колхоз ва совхозлари шароитига, ўсимликларнинг ривожланиши даражасига қараб белгиланади. Ғўза барглари ана шу маҳаллий шароитга мувофиқ белгиланган муддатдан кечиктирмасдан дориланиши керак. Ғўза нормал ҳолатга етмасдан ёки кечикиб дориланса натижа яхши бўлиб чиқмайди. Ғўза тупларининг кўпчилигида бир-иккитадан кўсак очилган бўлса, 5 сентябрьдан бошлаб барглари тўкиш учун унга дори сепилабошланиши ва бу ишнинг ҳамма жойда 20 сентябрьда тамомланиши керак.

К. МИРПЎЛАТОВ,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Пахта териш машиналаридан тўла фойдаланиш учун

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз а'золари ўтган йилларда барча майдонлардаги пахтанинг 75—80 процентини қўл блан териб, натижада йиғим-терим ишларини кеч кузгача чўзиб юборган эдилар ва шунинг натижасида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлар ва кўпинча пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолар эди.

Колхоз а'золари бу қийинчиликларни бартараф қилиш ва етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ўз вақтида териб давлатга топшириш учун 1953 йилда кўп ердаги пахтани машина блан тердилар. Натижада терим барвақт тугалланди, план бажарилди.

Шундай қилиб колхоз а'золари пахта териш машинасининг ҳуда катта роль ўйнаганлигини амалда кўриб, ишонч ҳосил қилдилар.

Шунинг учун ҳам колхоз а'золари бу йил умумий майдондаги пахтанинг 45 процентини машина блан теришга қарор қилдилар. Ҳозир колхозчилар пахтаси машина блан териладиган майдонлардаги ғўзаларни ўтлардан тозалаб, йўл ва кўприкларни тузатиб тайёр қилиб қўйдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пахтани машина блан теришни муваффақиятли ўтказиш учун ғўза барглариини ўз вақтида, агротехника қоидаси асосида тўкиш учун етарли миқдорда дориворларни келтирди. ОДН машиналарини ремонтдан чиқарди ва самолёт қўнадиган жойлар тайёрлаб қўйди.

Колхоз партия ташкилоти механизаторларга ва колхозчиларга пахтани машинада теришнинг аҳамиятини кенг тушунтириб, улар ўртасида социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқда.

И. ИБОДОВ.

„Ўзбекистон ССР бешйиллиги" совхозида пахта теримига тайёргарлик

«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» пахтачилиқ совхозида ўтган йили пахта теримида йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, бу йил теримга тайёргарлик барвақт бошлаб юборилди. Совхоздаги 152 пахта териш машинасидан 148 таси ремонтдан чиқарилиб теримга тахт қилинди. Совхоздаги барча кўсак чувиш машиналари ҳам ишга тайёр ҳолда турипти.

Механик-ҳайдовчи кадрларнинг малакаси синаб чиқилди ва уларнинг составини тўлдириш учун 60 кишилик қисқа курс ташкил этилди. Курсда машғулотлар мунтазам давом этмоқда.

Ғўза баргларини сун'ий равишда тўкиш учун ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Ҳозир самолёт отряди совхозга келди. Улар бугун-эрта ғўзаларнинг баргини тўкиш ишини бошлаб юборадилар. Совхоздаги 16 сушилканинг ремонти ҳам тамом бўлди, барча хирмонлар текисланиб, ҳозир уларга асфальт ётқизилмоқда.

Ўтган йил йўллар ёмонлигидан пахта ташишда катта қийинчилик рўй берган эди. Совхоз ма'мурияти буни э'тиборга олиб барча дала йўлларини шағал ётқизиб тузатди. Кўприклар пухта ремонт қилинди, 100 тадан кўп арава пахта ташишга ажратилди, отлар, ҳўкизлар боқилмоқда.

Теримчилар учун 2000 та этак ҳозирланиб, яна 1000 та этак тикилмоқда.

Теримчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун ҳам яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Совхознинг ишчилар комитети ва комсомол ташкилотининг ташаббуси блан барча дала шийпонлари қайта ремонтдан чиқарилди ва жиҳозланди. Радиоприёмникларнинг ҳаммаси янги батареялар блан та'мин этилди.

Бўлимлардаги болалар ясли ва боғчаларининг ремонти тугалланди, улар керакли асбоблар блан тўла та'мин этилди.

Марказий бўлимдаги ҳаммом кенгайтирилиб ишга туширилди. Совхоз ишчилари ва оилаларининг терим даврида доим нон блан та'миилаб туриш учун нонвойхоналар кўпроқ нон ёпаоладиган қилиб қайта қурилди, унда ҳархил нонлар ишлаб чиқариш учун алоҳида цехлар ташкил қилинди.

Яқинда совхоз механизаторларининг Сталин номли 16-нчи совхоз механизаторлари иштироки блан йиғилиши бўлиб ўтди. Механизаторлар йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарори муҳокама қилиниб, механизаторлар бу йил совхозда ками блан 70 процент ҳосилни машинада териш ва ҳарбир терим машинаси блан 100 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар ва Сталин номли 16-нчи совхоз механизаторларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Т. АҲМЕДОВ.

Мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёрланмоқдалар

Октябрь районидаги Хрушчев номли колхоз а'золари бу йил 760 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил топшириш учун курашиб, ғўзани илғор агротехника талабларига мувофиқ парвариш қилдилар.

Колхознинг С. Эргашев бошлиқ бригада а'золари пахта майдонининг 45 гектарини август ойида алоҳида э'тибор блан парвариш қилиб, ривожланишдан кейинда қолган ғўзаларни тўла етилтириб олдилар.

К. Усмонов, Т. Маҳмудов, У. Бойчаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ғўза чопиғи, суғориш, барги орқали озиқлантириш айниқса намунали ўтказилди.

Колхозда сушилка ва хирмонлар ремонти кучайтириб юборилди. Ҳозир 2 та газ сушилканинг ремонти тугалланаётир. Дала хирмонларига асфальт ётқизиш ишлари ҳам тезлашиб кетди. 4 та бригадада пахта хирмони асфальтланиб бўлди.

А. МИРАҲМЕДОВ.

Гектаридан 50 центнердан пахта берамиз

Бизнинг звено а'золари ўтган йили 19 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,7 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига бераётган ёрдами йилдан-йилга ошмоқда. Биз пахтакорларнинг ҳам билим ва тажрибаларимиз ортмоқда. Шунинг учун звеномизнинг а'золари бу йил 23 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта топширишга қарор қилдилар.

Лекин иш, мажбурият олишнинг ўзи блан тугалланмайди, балки мажбуриятга муносиб равишда ишлаш керак. Ма'лумки, деҳқончиликда мўл ҳосил олишнинг энг муҳим шарти, экин устида қилинадиган ҳарбир ишни ўз вақтида ва а'ло сифатли бажаришдан иборат. Биз ишимизни ана шу шартга қаттиқ риоя қилган ҳолда уюштириб келаётирмиз.

Масалан, биз ерни чигит экишга пухта тайёрлаш блан бирга чигитни энг қулай муддатда беш кун ичида экиб олдик. Ердан намни қочирмаслик, қатқалоққа йўл қўймаслик йўли блан чигитни текис ундириб олиш учун ер бетига бултур қуздаёқ тайёрлаб қўйилган қўй қийларини бир сидра сочиб чиқдик. Натижада ёмғирлардан кейин далаларимизда қатқалоқ бўлмаганидек, ёғин сувининг кўпи ерда ушланиб қолди. Чигит ўз вақтида текис униб чиқди.

Ғўза икки-уч чин барг чиқарабошлаши ҳамоноқ, яганани ҳам бошлаб юбордик ва ғўзанинг ўсишига қараб бу ишни 6 кунда тугалладик. Туп ораларида шундай масофа қолдирдикки, натижада ҳар гектарда 90 минг тупдан ўсимлик қолди.

Бизнинг вазифамиз далада қолган ўсимликни қунт блан парвариш қилиш ва ҳар тупда мўл ҳосил тўплашдан иборат эди. Бунда ҳам биз агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилганимиз ҳолда экинни озиқлантириш, суғориш, культивация ва чопиқ ишларини ғўзанинг тобига қараб, ҳудди ўз вақтида бажардик. Ғўзалар минерал ва маҳаллий ўғитларни аралаштириб солиш йўли блан икки марта тўла озиқлантирилди. Айрим карталарда ғўзалар учинчи марта ҳам ўғитланди. Июль ойида бир сидра сувга қўшиб маҳаллий ўғит ҳам оқиздик.

Пахтачиликдаги нозик ишларнинг бири ғўзани суғоришдир. Суғоришга шахсан мен ўзим бошчилик қиламан. Биз ғўзани тобига қараб айни вақтида қондириб суғориш, кейин ерда тўпланган намни қочирмасдан ундан самарали фойдаланиш ва бегона ўтни пайдо қилмасликка хусусан кўп э'тибор қиламиз. Бунинг учун суғоришдан кейин ер етилди дегунча қатор ораларини культивация ва чопиқ қилдик. Натижада ғўзалар сра чанқамади, бегона ўт ўсаолмади. Биз бу йил ер шароити ва ўсимлининг ҳолатига қараб айрим карталарда 6 мартача культивация ва чопиқ ўтказдик.

Биз даланы айланиб юрар эканмиз, шира, ўргимчаккана каби ғўзанинг ёвуз душманларини қунт блан кузатиб бордик. Унча-мунча учраган ҳашаротни дарҳол шу жойдаги ғўзаларни дорилаш йўли блан қириб, унинг оммавий тарқалишига мутлақо йўл қўймадик.

Натижада ғўза нормал ривожланди ва мўл ҳосил тугди. Ҳарбир тупда 15—20 тадан бўлиқ, салмоқли кўсаклар етилмоқда. Олди кўсаклар очилабошлади.

Звеномиз а'золари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида чиқарган қарорига жавобан пахта терими эўр уюшқоқлик блан ўтказиб, пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача ошириб бажаришга қарор қилдилар. Улар мавсумда 10—15 минг килограммдан пахта териш тўғрисида социалистик мажбурият олдилар.

Биз мўл ҳосил етиштирдик. Олган мажбуриятимизнинг тўла бажарилишини та'миллаймиз.

Э. АНОРБОЕВ,
Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг звено бошлиғи.

Механизаторлар пахтани машина блан теришдаги тажрибалари блан ўртоқлашмоқдалар

КРЕСТЬЯНСКИЙ. (ЎзТАГ). Ҳосилни машина блан териб олишнинг яхши уюштиришда донг чиқарган Гулистон районидаги учинчи МТС да пахтани машина блан териш усталарининг тажрибасини олмошишга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада қўшни бўлган Верхне-волинск районидаги 2-нчи МТС нинг пахта териш агрегатларининг механик-ҳайдовчилари ҳам қатнашди.

Гулистон районидаги учинчи МТС нинг СХМ — 48 машинасини ҳайдовчи илғор механиги йўлдош Рустамовнинг сўзи эўр қизиқиш блан тингланди.

— Юқори ҳосил учун курашни, — деди Рустамов, — биз Свердлов номли қишлоқ хўжалик артелларинг колхозчилари блан экишдан бошлаб то ҳосил йиғиб-териб олингунча давом этдирамиз. Мен пахтани ўзим йил бошидан бери ишлаб келаётган участкада тераман. Бу ерларнинг паст-баландини яхши биламан. Бу эса СХМ — 48 машиналарини ҳайдовчилар учун ғоят муҳимдир. Ма'лумки, СХМ — 48 машинаси қотиб кетган ёки кесаклари бўлган ерда юрганида биртекис ишламайди, лапанглаб юради, кучли равишда силкинади. Бундай шароитда машина пахтани ерга муносиб равишда ишлаш керак. Ма'лумки, деҳқончиликда мўл ҳосил олишнинг энг муҳим шарти, экин устида қилинадиган ҳарбир ишни ўз вақтида ва а'ло сифатли бажаришдан иборат. Биз ишимизни ана шу шартга қаттиқ риоя қилган ҳолда уюштириб келаётирмиз.

Масалан, биз ерни чигит экишга пухта тайёрлаш блан бирга чигитни энг қулай муддатда беш кун ичида экиб олдик. Ердан намни қочирмаслик, қатқалоққа йўл қўймаслик йўли блан чигитни текис ундириб олиш учун ер бетига бултур қуздаёқ тайёрлаб қўйилган қўй қийларини бир сидра сочиб чиқдик. Натижада ёмғирлардан кейин далаларимизда қатқалоқ бўлмаганидек, ёғин сувининг кўпи ерда ушланиб қолди. Чигит ўз вақтида текис униб чиқди.

Ғўза икки-уч чин барг чиқарабошлаши ҳамоноқ, яганани ҳам бошлаб юбордик ва ғўзанинг ўсишига қараб бу ишни 6 кунда тугалладик. Туп ораларида шундай масофа қолдирдикки, натижада ҳар гектарда 90 минг тупдан ўсимлик қолди.

Бизнинг вазифамиз далада қолган ўсимликни қунт блан парвариш қилиш ва ҳар тупда мўл ҳосил тўплашдан иборат эди. Бунда ҳам биз агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилганимиз ҳолда экинни озиқлантириш, суғориш, культивация ва чопиқ ишларини ғўзанинг тобига қараб, ҳудди ўз вақтида бажардик. Ғўзалар минерал ва маҳаллий ўғитларни аралаштириб солиш йўли блан икки марта тўла озиқлантирилди. Айрим карталарда ғўзалар учинчи марта ҳам ўғитланди. Июль ойида бир сидра сувга қўшиб маҳаллий ўғит ҳам оқиздик.

Пахтачиликдаги нозик ишларнинг бири ғўзани суғоришдир. Суғоришга шахсан мен ўзим бошчилик қиламан. Биз ғўзани тобига қараб айни вақтида қондириб суғориш, кейин ерда тўпланган намни қочирмасдан ундан самарали фойдаланиш ва бегона ўтни пайдо қилмасликка хусусан кўп э'тибор қиламиз. Бунинг учун суғоришдан кейин ер етилди дегунча қатор ораларини культивация ва чопиқ қилдик. Натижада ғўзалар сра чанқамади, бегона ўт ўсаолмади. Биз бу йил ер шароити ва ўсимлининг ҳолатига қараб айрим карталарда 6 мартача культивация ва чопиқ ўтказдик.

Биз даланы айланиб юрар эканмиз, шира, ўргимчаккана каби ғўзанинг ёвуз душманларини қунт блан кузатиб бордик. Унча-мунча учраган ҳашаротни дарҳол шу жойдаги ғўзаларни дорилаш йўли блан қириб, унинг оммавий тарқалишига мутлақо йўл қўймадик.

Натижада ғўза нормал ривожланди ва мўл ҳосил тугди. Ҳарбир тупда 15—20 тадан бўлиқ, салмоқли кўсаклар етилмоқда. Олди кўсаклар очилабошлади.

Звеномиз а'золари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида чиқарган қарорига жавобан пахта терими эўр уюшқоқлик блан ўтказиб, пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача ошириб бажаришга қарор қилдилар. Улар мавсумда 10—15 минг килограммдан пахта териш тўғрисида социалистик мажбурият олдилар.

Биз мўл ҳосил етиштирдик. Олган мажбуриятимизнинг тўла бажарилишини та'миллаймиз.

Э. АНОРБОЕВ,
Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг звено бошлиғи.

Ўртасарой районида йиғим-теримга тайёргарлик ишлари ҳамон тугалланмаган

Охунбобоев номли колхоз ранси Ўртоқ А'зам Саломов блан учрашсангиз, бу йилги катта ишлар тўғрисида, камҳосилли, камқувват колхозда ўзининг раҳбарлик фаолияти даврида қилган ишлари тўғрисида бирма-бир сўзлаб беради.

Колхоз рансининг сўзларидан гўё Охунбобоев номли колхозда ҳамма ишлар дуруст бормоқда, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта ишлар қилинган; йиғим-теримга тайёргарлик ҳам пухта уюштирилмоқда, деб йўлаш мумкин. Лекин ҳақиқий аҳвол Ўртоқ Саломов айтгандек эмас. Катта йўл бўйларидаги биринчи ва иккинчи бригадаларнинг бирнеча пайкалларида ғўзаларнинг ҳосили дуруст, деса бўлади. Аммо ичкаридаги бригадаларда ҳосил кам, нимжон бўлиб ўсган, ўт босиб кетган, ер остиси сувлари чиқиб ғўзалар саргайиб қолмоқда ва мавжуд ҳосилини ҳам йўқотмоқда.

МТС агрономлари бу колхозда 251 гектар ердаги ҳосилни машина блан териш учун ажратганлар. Лекин 5 ва 6-нчи бригадаларда ҳосили машина блан теришга ажратилган карталардаги ғўзаларни чирмов ўт босиб кетган, ер остиси сувлари чиқиб етипти. Бу бригадаларда колхозчилар дала ишларига бутунлай чиқмай қўйганлар. Ҳамма ерда «дам олиш» кайфияти ҳукм сурмоқда. Сводкаларга қараганда эса ҳамма иш дурустдек, колхозчилар дала ишлари блан ҳамавақт шуғулланаётгандек кўринади. Броқ колхозчиларнинг бир қисми дала ишидан бутунлай четда қолмоқда. Айниқса ирригация-мелиорация ишларини бориши ёмон. Бу колхоз шароитида суғориш шохобчаларини тозалаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш жуда муҳимдир. Ерости сувлари яқин бўлган карталар атрофида зовурлар тозаланмаганидан заҳсув юзага чиқиб кетмоқда. Ирригация-мелиорация ишларига 165 колхозчи ажратилиши керак эди. 31 август ва 1 сентябрь кунлари бу ишда фақат 92—105 колхозчи қатнашди.

Бригадалар ўртасидаги йўлларда бўлсангиз, бузилиб ётган кўприкларни кўрасиз. Кўча атрофидаги ариқ-зовурлар ҳам тозаланмаган. Колхознинг хўжалик асбоблари турадиган саройида эса икки отли аравалар ва бошқа асбоб-ускуналар ремонтсиз ётипти. Эндигина 3 та бричка, 2 та автокачка ремонтдан чиқди холос.

Охунбобоев номли колхозда рўй бераётган бу нуқсонлар биринчи МТС зонасидаги бошқа колхозларда ҳам мавжуддир. Камҳосилли ва камқувват ҳисобланган Маленков номли ва «XIX партия с'езди» колхозларида пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари тугалланган йўқ. Дала хирмонлари тайёрланмаган, сушилкалар ремонт қилинмаган. Янги сушилкалар қуришга киришилгани йўқ. Биринчи МТС раҳбарлари (директори ўртоқ Едгоров) камҳосилли, кам-қувват колхозларга «яхши ёрдам бераётирмиз», дейдилар. Амалда эса бу колхозларга моддий-техника жиҳатидан тузук ёрдам берилмаган. Сушилка қуриш учун маблағ ажратилган бўлса ҳам қурилиш материаллари йўқлигидан иш бошланмай турипти. Район матлубот жамияти раҳбарлари (ранси ўртоқ Ким) сушилка қурилиши учун зарур бўлган материаллар тайёрлаш ишига мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар.

Биринчи МТС зонасидаги колхозларда бу йил 2.319 гектар ердаги ҳосил машина блан теришга ажратилган. 1.800 гектар майдондаги ҳосил иккинчи марта машина блан терилиши керак. Лекин ҳали пахта териш машиналари бу ишга тўла тайёр эмас. Эндигина 32 та СХМ—43 маркали машина ремонтдан чиқди. МТС да машиналар ремонти узел усули блан ташкил қилинган бўлса ҳам, «запас қисмлар етишмайди» деган баҳона блан ремонт ишлари кечиктирилмоқда.

Ҳосили машина блан теришга ажратилган 2.319 гектар ердаги ғўзанинг барги тўкиш учун бирнеча юз тонна заҳарли моддалар ташиб олиниши керак. Бу ишда ҳам МТС зонасидаги колхозлар орқада қолмоқда. «Коммунизм» колхози (ранси ўртоқ Ҳусаинов), Оржоникидзе номли колхоз (ранси ўртоқ Бойтўраев) заҳарли моддалар ташиб олиш ишини 30 процент ҳам бажарганлари йўқ. ОДН машиналари ишга тахт қилиб қўйилган бўлса ҳам, колхозларга етказилмаган.

Бу йилги пахта йиғим-теримига тайёргарликда сушилкалар қуриш ва ремонт қилиш ишига алоҳида э'тибор берилаётир. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорида бу масалага алоҳида э'тибор берилган. Лекин МТС зонасидаги колхозларда 11 газ сушилкасидан эндигина 7 таси ремонт қилинди. Бу иш «Полярная звезда», «Северний маяк» колхозларида яхши уюштирилди. Аммо Ленин номли, Будённий номли ва Булганин номли колхозларда сушилкалар ремонти ҳаддан ташқари суст кашлик блан бормоқда. 5 та янги сушилка қурилиши керак эди. Ҳали унинг бирортаси ҳам тайёр эмас. «XIX партия с'езди» ва Оржоникидзе номли колхозларда сушилка қурилишига киришилгани йўқ. Қайси колхозга борманг, сушилка бинокорлиги учун қурилиш материаллари етишмаслигидан шикоят қиладилар. Район раҳбарлари, биринчи навбатда район ижроия комитети (ранси ўртоқ Турсун Умаров) бу ҳақдаги шикоятларга фақат қуюқ ва'да блан жавоб бермоқда.

МТС зонасида 91 та бригадалараро пахта қуритиш майдончалари ташкил қилиниши, шундан 22 тасига бетон ётқизилиши керак эди. Бу иш ҳам бирор колхозда бошлангани йўқ. Ленин номли колхозда майдонча учун алоҳида ер ажратиш блан ишни тўхтатиб қўйганлар. Бу ишда ҳам район ижроия комитетининг қурилиш бўлими юзаки раҳбарлик қилмоқда. Пахта қуритиш майдончалари учун зарур бўлган материалларни етказиб бериш иши блан районда бирор ташкилот шуғулланмаётир. Ҳалигача «Северний маяк», Будённий номли, Булганин номли колхозларда пахта қуритиш майдончалари қуриш иши планлаштирилмаган.

Ўртасарой районида пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳамон тугалланмаётир. Ўртасарой район партия комитети ва район ижроия комитети дастлабки кунлардаги жиддий нуқсонларни тугатиш учун шошилинч чоралар кўришлари керак.

Т. ОРИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Яна бир йил сабр қилинг..."

Газетамизнинг шу йил 24 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Оққўрғон районидаги Алимкент молбоқиш базасида қурилиш ишлари ниҳоятда ёмон аҳволда экани кўрсатилган эди.

Ўзбекистон ССР Гўшт-сут маҳсулотлари саноати министри ўртоқ Умаровнинг редакциямизга хабар қилишича мақола 25 августда министрликнинг раҳбар ходимлари ва Бош Бошқарма раҳбарлари иштирокидаги кенгашда муҳокама қилинган ҳамда газетада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган.

Министрлик Алимкент молбоқиш базасидаги қурилиш ишларини тезлатиш ва молларни боқишни яхшилаш учун қўшимча 150 минг сўм маблағ, 120 ўрам толь, 150 кубометр ёғоч-тахта, «Андижанец» маркали насос ҳамда кўп миқдорда водопровод қувурлари ажратди.

Узгалзаготскот қурилишга амалий ёрдам бериш учун қурилиш-қижженерини жўнатди.

„Немис халқи ўз кураши блан герман милитаризмига қақшатғич зарба бериши лозим“

Германия Коммунистик партияси правлениеси секретариатининг баёноти

БЕРЛИН, 1 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлигининг билдиришича, Франция Миллат мажлиси «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани рад этиши муносабати блан ГКП правлениесининг секретариати қуйидаги баёнотни э'лон қилган:

«Франция Миллат мажлисининг Европа мудофаа бирлашмаси тўғрисидаги шартномани рад этиши Аденауэр ҳукумати снёсатининг ва Европада америка дипломатиясининг жиддий мағлубиятидир. Бу мағлубият Аденауэрнинг Европа мудофаа бирлашмасини тузишга қаратилган снёсати Ғарбий Германиянинг тобора кўпроқ яккаланиб қўйилишига олиб борганлигини ҳамда Ғарбий Германиянинг снёсатини ўзгартириш зарурлигини яққол кўрсатиб берди. Франция Миллат мажлисининг бу қарори француз халқининг Европа мудофаа бирлашмасига қарши ва герман милитаризмига қарши олиб борган қат'ий кураши натижасида қабул қилинди. Бу қарор — ҳамкиҳатлик ва тинчлик снёсатининг ғалабасидир ҳамда куч ишлатиш ва уруш снёсатининг мағлубиятидир.

Европа мудофаа бирлашмасини тузиш снёсатининг ана шу мағлубиятидан кейин герман милитаристлари ва уларнинг америкали ҳимоячилари Ғарбий Германияни бошқа йўллар блан ремилитаризация қилиш учун зўр бериб ҳаракат қиладилар. Шу сабабли Ғарбий Германияда милитаризмга қарши қат'ий кураш олиб бориш ва уруш оловини ёқучларнинг ҳарқандай планларига нисбатан максимал ҳуш'ёрлик кўрсатиш зарур. Немис халқи ўз кураши блан герман милитаризмига қақшатқич зарба бериши лозим. Ғарбий Германияда фақат халқнинг ҳаётий манфаатларини кузатадиган, миллий бирлик ва мустақилликни тиклашга, Ғарбий Германиянинг суверенитетига эришишга ва тинчликни сақлаб қолишга қаратилган снёсатни амалга ошириш зарур. Шу сабабли «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартнома барбод бўлганидан кейин, умумий шартномани кучга киритиш йўлидаги ҳамма уринишларга қарши курашиш керак. Бу шартнома Ғарбий Германияни суверенитетга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Аденауэрнинг снёсати банкрот бўлганлиги эндиликда ҳарқачондагидан ҳам аён бўлди. Ҳозирги вақтда Ғарбий Германияга немислар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш снёсатини юргизадиган ва Германия Демократик Республикаси блан музокаралар бошлашга тайёр бўлган ҳукумат керак.

Биз Германия социал-демократик партияси раиси Олленхауэрнинг тўрт давлат музокараларини янгидан бошлаш тўғрисидаги ҳамда Европа хавфсизлиги системасини тузиш ҳақида СССР ҳукуматининг нотасида баён этилган таклифларни бу музокараларга асос қилиб қўйиш лозимлиги тўғрисидаги талабини табриклаймиз. Лекин немислар бу ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Бундестаг Германия Демократик Республикаси халқ палатасининг таклифларига ижобий жавоб бериши зарур. Германия социал-демократик партияси правлениеси Германия Демократик Республикаси блан музокаралар бошлаш учун ҳамма тадбирларни кўриши зарур.

Бундестаг ўзининг энг яқинда бўладиган мажлисида Аденауэр снёсатининг барбод бўлганлигидан хулоса чиқариши ва халқ палатасининг мурожаатини қабул қилиши лозим. Шу сабабли ҳамма кишилар хат, резолюция ва делегацияларнинг баёнотлари шаклида изҳор қилинган шу талаблар блан бундестаг депутатларига мурожаат қилишлари зарур. Ғарбий Германияда ҳамжиҳатлик снёсати тантана қилиши лозим».

Аргентина Компартияси Марказий комитетининг АҚШ Коммунистик партиясига мактуби

БУЭНОС-АЙРЕС, 2 сентябрь. (ТАСС). Аргентина Компартиясининг Марказий комитети АҚШ Коммунистик партиясига мактуб юборди. Бу мактубда жумладан бундай дейилади: «Ҳукуматингизнинг сизга, я'ни Америка ватанпарварлари бўлган коммунистларга қарши қаратилган, шунингдек аҳолининг бошқа демократик табақаларига ва тинчлик тарафдорларига қарши қаратилган реакцион чораларига қарши Аргентина коммунистлари ва бошқа демократик кучлари номидан қат'ий норозилик билдирамиз. Биз сизга тўла бирдамлигимизни изҳор қиламиз».

Жаҳон Тинчлиқ Кенгаши раисининг ўринбосари Пьетро Неннининг баёноти

ВЕНА, 2 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши ЖТК раисининг ўринбосари Пьетро Неннининг қуйидаги баёнотини э'лон қилиш учун топширди:

Бундан 15 йил муқаддам гитлерчи армиялар Польшага бостириб кирдилар ва иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбордилар. Бу ҳол даҳшатли уруш ва нацизмнинг ҳукмронлиги натижасида олти йил давомида бостириб киришларга ва мислсиз террорга дучор бўлиб келган ҳамма халқларга оғир вақтларни эслатади.

Гарчи гитлеризм 1945 йилда тор-мор келтирилган бўлса ҳам, тинчлик ҳали та'минлангани йўқ. Халқлар яна ўша хавф олдида турибдилар.

Лекин тинчлик дўстлари урушни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш воситасини топдилар.

Халқлар ўз озодликларини ўз қўлларига олиб, куч ишлатиш снёсатидан воз кечиш тўғрисидаги ҳамда жанжалли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш тўғрисидаги талабларини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Улар 1954 йил 1 сентябрьгача: Кореяда яраш битими тузилишига, Ҳинди-Хитойда урушнинг тўхтатилишига эришдилар ҳамда Франция Миллат мажлисида Европа мудофаа бирлашмаси тўғрисидаги масаланинг овозга қўйилиши натижасида, тикланаётган герман милитаризми устидан биринчи ғалаба қозондилар. Бу ғалабаларга халқларнинг биргаликдаги ҳаракатлари ҳамда халқлар мустақиллигига ва бутун дун'ёда тинчликка эришиш йўлида ўз та'сирларидан фойдаланганларнинг ҳамкорлиги натижасида эришилди.

Инсоният тинчлик йўлидан қадам-бақадам босиб бормоқда, у Варшаванинг вайрон этилиши ва Освенцимдаги ўлдиришларнинг такрорланишини хоҳламайди.

Ҳозирги вақтда ҳал этиш керак бўлган проблема — коллектив хавфсизлик проблемасидир. Фақат коллектив хавфсизликгина муваффақиятли бир вақтда ўтказиладиган ҳамда контроль остида амалга ошириладиган қуролсизланиш йўлини очиб беради. Шундай қилинганда қайтадан бирлашган демократик ва тинчликсевар Германия Европага ва бутун дун'ёга хавф туғдирмайдиган бўлиб қолди ҳамда ўзининг миллий мустақиллигини тиклайолади.

Тошкент узуми... Колхоз ва совхозларимиз боғида етишаётган Тошкент узуми Москва машинасозларига, Донбасс шахтерларига, Украина ғаллакорларига, Сибирь деҳқонларига хаммавақт манзур бўлади. Молдавия боғбонлари, Грузия миришкорлари ҳурматли соҳибкоримиз, Сталин мукофоти лауреати Ризамат Мусамуҳамедов етиштирган узумнинг янги нав'ларини ўстирмоқдалар. Улар бу нав'ларнинг ширали ва серсувлигги учун ҳамма вақт миннатдор бўлиб сўзлайдилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очилган дастлабки кунларнинг бирида Ўзбекистон ССР павильонининг мева ва узумчилик бўлимида Ризаматота блан бир группа молдавияли боғбонлар учрашиб қолди. Улар Ризаматота блан бундан ҳам олдин учрашган эдилар. Ризаматота олдинги учрашувда Молдавия боғларида бўлган ва ўз каспдошлари блан узумчиликни ривожлантириш соҳасида узоқ вақт суҳбатлашган эди. Бу гал Ризаматота ўз қардошларига Тошкент боғларида етишаётган узумларни та'рифлай кетди.

— Мана бу нимранг нав'ли узум, бир килограмм шундай узумнинг шираси 400 грамм қандга тўғри келади. Бизда шу хилдаги узумлар жуда кўп. Мускат, Сапирайи, Тойифи, Каттақўрғон, Тавкиири, Морастель сингари узумларимиз борки, булар ўзларининг сер сувлиги, винобоплиги блан машҳур.

Донгдор соҳибкорнинг бу сўзини молдавияли боғбонлар зўр хурсандчилик блан тинглар эдилар. Ризаматота узумчилик соҳасидаги кўп йиллик тажрибалари ва узум майдонларини кенгайтиришдаги қилаётган ишлари тўғрисида сўзларди.

— Қадимда сув кўрмаган чўллар партия, ҳукуматимиз раҳбарлигида ўзлаштирилиб, пахтазорларга, узумзор боғларга айланмоқда. Тошкентнинг Ховос районида кейинги йилларда кўп ерлар ўзлаштирилиб, боғлар барпо қилинмоқда. Шу райондаги Карл Маркс номли, Молотов номли колхозларда боғлар ташкил этилди. Бу боғлар шу йил биринчи марта мева берди. Чўлда бун'ёд этилаётган мана бу боғлар халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Молдавиялилар узумчилик залини Ризаматота блан бирга айланиб кўрдилар. Улар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Қорасув районидаги Ленин номли колхозларнинг узумзор боғларида етишаётган шарали ва серсув узумлар нав'и блан таништилар. Бу хил узумларни ўз республикаларида ҳам ўстиражакларини айтдилар. Улар айниқса Оржоникидзе районидаги 5-нчи узумчилик совхози иши блан анча қизиқдилар. Бу совхоз коллективи узумчиликни ривожлантиришда йил сайин яхши натижаларга эришмоқда. Совхоз боғларида узумнинг 50 га яқин нав'и ўстирилаётир ва улардан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда.

Тошкент узумининг та'рифи чексиз. Тўлиб пишган чарос, Хусайни ва Хасанни, шакардек-ширин Буваки, қўклам фаслидаёқ пишиб-етилучи Чиллаки ва Даройи узумлари халқимиз дастурхонининг кўркидир.

Тошкент областида узумчиликни мутасил ривожлантираётган колхозлар, совхозлар кўп. Оржоникидзе районидаги 5-нчи совхоз ишчилари шу кунларда Москва меҳнаткашларига, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига тонналаб узумлар жўнатмоқдалар. Совхознинг узумчилик бўлимидаги ишчилар шу кунларда ғайрат блан ишлаб, ҳар куни нормада кўрсатилганидан кўпроқ узум йиғмоқдалар ва уни Иттифоқимизнинг саноат марказларига жўнатаётирлар. Бўлим мудири ўртоқ Азим Усмонов ҳикоя қилади:

— Ишчиларимиз Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, узум узишда ва уни тайёрлаб жўнатишда ҳар куни нормаларини ошириб бажармоқдалар. Биз узум топшириш йиллик планини 20 сентябрьгача бажариш учун курашмоқдамиз.

Тошкент узуми серширалиги блан, серсувлиги блан танилган. Бизнинг боғларимизда етишаётган узум фидокор совет халқига муносиб совғадир.

Вьетнам мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати блан президент Хо Ши Миннинг мурожаати

ШАНХАЙ, 1 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги август революциясининг ва мустақиллик э'лон қилинган кунининг тўққиз йиллиги муносабати блан Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг вьетнам халқига ва чет элларда яшовчи вьетнамлиларга қарата чиқарган мурожаатини э'лон қилди.

Хо Ши Мин вьетнам халқининг француз қўшинларига қарши олиб борган қаршилик кўрсатиш уруши тинчлик, бирлик мустақиллик ва демократия учун олиб борилган уруш эди, деб кўрсатади.

Армиямизнинг ва халқимизнинг қаҳрамонона қаршилик кўрсатиши ҳамда қардош халқларнинг, француз халқининг ва бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли, деди Хо Ши Мин, биз Жанва кенгашида муваффақиятга эришдик.

Қўйидагиларни Франция ҳукумати э'тироф этди, кенгаш қатнашчилари эса ма'қулладилар:

Вьетнам, Камбоджа ва Лаос мустақиллиги, суверенитети, бирлиги ва территориал бутунлигининг Франция томонидан ҳурмат қилиниши асосида Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланади. Вьетнам, Камбоджа ва Лаос халқлари миллий бирликни амалга ошириш учун эркин умумий сайлов ўтказадилар;

Франция ўз қўшинларини Ҳинди-Хитойдан олиб чиқиб кетади.

Биз, деб давом этади президент, яраш тўғрисида Франция блан битим имзоладик ва Вьетнамда ҳамда бутун Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланабошланди. Бу ғоят катта ғалабадир.

Тинчликни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш учун, дейилади мурожаатда, Вьетнам томонидан ҳам, Франция томонидан ҳам самимият бўлиши зарур. Шу муносабат блан мен яна тантанали суратда қўйидагиларни баён этаман:

Биз яраш тўғрисида Франция ҳукумати блан имзоланган битимни ҳурмат қилиш ва уни амалга ошириш учун қат'ий бел боғлаганмиз. Биз Франциянинг Вьетнамдаги иқтисодий ва маданий манфаатларини ҳимоя қиламиз. Биз тенглик ва ўзаро қулайлик асосида мамлакатимиз блан Франция ўртасидаги дўстона муносабатларни янгидан тиклаш тўғрисида Франция ҳукумати блан музокаралар олиб боришга тайёрмиз.

Шу блан бирга биз Франция ҳукумати ҳам яраш тўғрисидаги битимни ҳурмат қилади ва бажаради, Жанва кенгашининг сўнгги декларациясидаги моддаларнинг тўғри бажарилишини та'минлайди, деб умид қиламиз.

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун биз бутун мамлакатда ватандошларимизнинг маҳкам бирлигини амалга оширишимиз лозим. Биз тинчлик душманларининг ниятларига қарши курашиш учун ягона блокка жипслашувимиз керак. Жанубдагқ ва шимолдаги ҳамма ватандошларимиз миллий бирликни амалга ошириш йўлида эркин умумий сайлов ўтказишга тайёргарлик кўриш учун курашишлари лозим.

Хо Ши Мин та'кидлаб ўтдики, янги вазифалар тинчликни сақлашда асосий куч бўлган халқ армиясини мустаҳкамлашни; «ер-деҳқонларга» деган шиорнинг бундан кейин ҳам амалга оширилишини; халқ турмуши шароитининг яхшиланишини; турли миллатлар ўртасидаги бирдамликнинг мустаҳкамланишини ва асосан майда миллатлар яшайдиган районлар автономиясининг аста-секин амалга оширилишини талаб қилади.

Биз муваффақиятларга эришдик, деди Хо Ши Мин мурожаатнинг охирида, лекин тинчлик ҳали мустаҳкамланган йўқ, бирликка, мустақилликка ва демократияга ҳали эришилгани йўқ. Шу мақсадга эришиш учун узоқ муддатли ва қат'ий курашни давом этдиришимиз лозимлигига ҳам сабаб ана шу. Айни бир вақтда биз умумий ишга путур етказиш йўлидаги ҳийла-найрангларга нисбатан ўз ҳуш'ёрлигимизни доим оширишимиз лозим.

ЧИЛИДАГИ МИС КОНЛАРИДА ЗАБАСТОВКАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 2 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Сант-Ягодан (Чили) билдиришича, Эль-Теньентдаги мис конларида забастовка э'лон қилган 7 минг ишчи ишҳақи тўғрисида компаниянинг таклифини рад этган ва ўзларининг дастлабки талабларида, я'ни ишҳақини умуман 75 процент ошириш тўғрисидаги талабларида қаттиқ турмоқдалар.

Мухбир Потрерильосдаги мис конларида 4 минг ишчининг забастовка э'лон қилганлиги ҳақида хабар беради.

Хитой-Германия савдо муносабатларига доир

ПЕКИН, 2 сентябрь (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Берлиндан хабар қилади: Германия Демократик Республикасидаги Хитой Элчихонасининг савдо маслахатчиси Чжан Гуан — доучики герман савдосига ёрдам кўрсатучи комитет вакиллари блан бўлган суҳбатда Хитойнинг Ғарбий Германия блан бевосита савдо алоқалари ўрнатишга ва бу савдони ривожлантиришга тайёр эканлигини айтди. У яна қўшимча қилиб айтдики, Хитой Халқ Республикасиничг савдо ваколатхонаси бу ишни тенглик ва ўзаро фойда асосларида қилишга тайёр.

Бавария металлистларининг забастовкаси муваффақият блан тугади

БЕРЛИН, 1 сентябрь. (ТАСС). Ғарбий Берлин матбуоти Бавария металлистларининг уч ҳафтадан кўпроқ давом этган забастовкаси тамом бўлганлигини билдирмоқда.

Металлистларнинг мардлик блан кураш олиб боришлари натижасида корхоналарнинг эгалари ён беришга мажбур бўлди: ишчиларнинг соатли иш ҳақи 4—10 процент хизматчиларининг маоши 5—7 процент оширилди.

Янги боғларда

Чиноз районининг колхозларида мевазор боғлар майдони йилдан-йилга кенгаймоқда. Жумладан райондаги Ленин номли колхоз кейнги йилларда 100 гектардан ошиқ ерда боғ барпо қилди. Кўчатлар қунт блан парвариш қилинаётганлиги учун яхши ўсиб, олди дарахтлар бу йил нишона кўрсатди.

Боғнинг бир четига катта ҳовуз, ҳовуз бўйига чиройлик шийпон қурилган. Шийпонда колхозчилар бўш вақтларида биллиард, дамино, шахмат-шашка ўйнайдилар, радиодан концерт, лекция ва суҳбатлар эшитиб, маданий дам оладилар.

Э. УСМОНҚУЛОВ.

„Тоғ кўлининг сири“ — КИНО

Пойтахтимиз тамошабинлари Ереван киностудияси томонидан ишланган янги рангли бадиий фильм — «Тоғ кўлининг сири»[1] кинокартинасини зўр қизиқиш блан кўрмоқдалар.

Фильм бахтиёр совет болалари ҳаётига бағишланган. Фильмнинг қаҳрамонлари — табиат сирларини билишга қизиқучи туристлар ва ёш натуралистлардир. Фильм ёш авлоднинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини қуйлайди ва уларнинг мактабда олган назарий билимларини практикада қўлланишга интилишини, жонажон ўлкани ўрганишга қизиқишини ва пионерларнинг довюрак ҳамда чидамли эканликларини тасвирлайди. Бу жиҳатдан фильмнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Фильм қизиқарли сюжет асосига қурилган:

Мамлакатимизнинг жанубидаги юксак тоғ бағрида бир катта қишлоқ жойлашган. Бу гўзал қишлоқнинг кўпгина ери ниҳоятда сувга муҳтож эди. Қишнинг нами ва кўклам ёмғиридан бақраманд бўлиб кўкарган майсалар, лолалар ва ҳархил гуллар кун исийбошлаши блан сувсизликдан қовжираб қолади. Қадимдан айтилиб келинаётган афсоналарга қараганда бир маҳалларда бу жойларда серсув дар'ё бўлган. Лекин, йиртқич афсонавий «дев» кишилардан сувни ўғирлаган ва беқитиб қўйган.

Қишлоққа яқин жойда катта-катта кўллар бор. Булардан бири — Гилли кўлидир. Бу кўлдан тоҳо-тоҳо йиртқичларча бўкирган қўрқинчли овоз чиқади. Бу овозга эса айрим кишилар ғайри-табиий бир нарса деб қараб, ҳатто ундан қўрқиб ҳам юрадилар.

Тоғдаги сувнинг манба'ини очиш мақсадида юрган геологлар қишлоққа кириб келади. Уч ёш натуралист — Камо, Никита, Грикор Гилли кўлига бориб унинг сирини билишга ва геологларга ёрдам беришга аҳд қиладилар. Геология блан қизиққан пионер Сэто тоғдан ёзувли бир тош топиб олади. Тошдаги сирли ёзув жуда аҳамиятли бўлиб чиқади. Унда бу ерда илгари сув бўлганлиги, аммо ер қимирлаши натижасида тоғлар емирилиб, сувнинг йўқолиб кетганлиги ҳақида ёзилган эди. Пионерлар бу ерга Камо ва Асмикни қўйиб Сэто топган тошни геология экспедициясига олиб кетадилар. Шу пайт ҳаво булутланиб кучли мамақалдироқ бошланади. Камо ва Асмик ғорга бекинадилар. Асмикни қидириб келган пионерлар ва геологлар сувни ҳам топадилар. Тоғ кўлининг сири ҳам очилади.

Кишилар қояларни портлатиб, ҳарсанглар тўсиб ётган дар'ёнинг йўлини очадилар, қишлоққа сув кириб келади ва тантана бошланади...

Фильмни ёш тамошабинларгина эмас, ҳатто катталар ҳам зўр қизиқиш блан кўрадилар. Фильмдаги ҳарбир воқиа, ҳарбир эпизод ёш ватанпарварларнинг табиат сирини билишга интилишларини очиб беришга қаратилган.

Фильмдаги Камо, Никита, Грикор образлари қизиқарли қилиб берилган. Улар жонажон табиат сири блан қизиқадилар. Шу блан бирга совет кишиларининг бахт-саодати учун курашаётган геологларнинг мақсадини яхши англаб, уларга ёрдам берадилар. Уч ўртоқ бу йўлда ҳечқандай қийинчиликдан қўрқмайдилар, ҳарбир нарсани синчиклаб ўрганадилар.

Масалан, Камо ўртоқларини қирғоқ бўйида қолдириб, ўзи «разведка» қилгани кетади. Қамишзорлар ичидан ўтиб борар экан, дуч келган ҳарқандай нарсага диққат блан қарайди. Камо сувга тушиб кетади ва у ердан чиқишга кучи етмагач ёрдам сўраб одамларни чақиради. Ёрдамга пионер вожатий, Никита, Грикор етиб келадилар ва уни қутқарадилар. Фильмнинг ана шу кадрлари тамошабинни ҳаяжонга солади, унда чуқур таассурот қолдиради. Шунингдек бу кадр тамошабинга ҳақиқий ўртоқликдўстлик қандай бўлиши блан қизиқишини кўрсатиб беради. Камо, Грикор ва Сэто рольларини ижро этган қобилиятли ёш артистлардан Нерсик Оганесян, Ромик Погосян ва Володя Феоктистовлар тамошабинларнинг муҳаббатига сазовор бўлганлар. Ёш талантлар ижросидаги Камо, Грикор ва Никита образлари жуда жонли бўлиб чиққан. Ҳарбир нарсани кўришга, унинг сири нимада эканлигини билишга интилучи болалар характери тўла очиб берилган.

Асатур бобо образини фильмнинг ютуқларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Асатур бобо болаларни юрандан севади, улар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади, болаларнинг дадиллигидан қувониб, жасурликка да'ват этади. Ундаги инсонпарварлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар фильмнинг кўп кадрларида яққол намоён бўлади.

Арманистон ССР халқ артисти Г. Габриелян Асатур бобо ролини катта маҳорат блан ижро этади. Артист Г. Габриеляннинг қарашларида, насиҳатларида, юриш-туришида ёшларга нисбатан ҳурмат, уларнинг келажагига ишонч кўриниб туради. Шунинг учун ҳам тамошабин бу нуроний чолни дарҳол севиб қолади.

Асмик ролида Кнарик Сарон, Сэто ролида Рубик Погосянлар ўйнаганлар. Бу образларда коллективни севучи, унга ҳурмат блан қаровчи ёшларнинг энг яхши фазилатлари мужассамлашган. Бу ёшларнинг коллектив бахти-саодати учун олиб борилаётган ишга ҳисса қўшгулари келади. Улар қийинчиликларга бардош бериб, мардлик намуналарини кўрсатадилар.

Фильмда пионерлар ҳаёти умуман яхши берилган. Пионерларнинг коллектив бўлиб туристик походларга чиқиши, мактаб ҳузурида товуқ фермаси ташкил этишлари ҳаётий ва қизиқарли чиққан. Режиссёрлар пионерлар ҳаётини атрофлича кўрсатиш учун мумкин қадар штампдан қочишга ҳаракат қилганлар.

Фильмни суратга олган операторлар — И. Дильдарян ва Д. Фельманчинг хизматини алоҳида та'кидлаб ўтиш лозим. Тамошабинлар экранда бепоён мамлакатимиздаги чиройли манзараларни: уфқ блан ўпишиб ётган юксак тоғларни, ажойиб гул боғларни, кўркам дар'ё ва кўлларни кўриб ниҳоятда завқланадилар.

Умуман муваффақиятли чиққан бу фильм айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Фильмда геологларнинг фаолиятини бундан кўра активроқ қилиб кўрсатиш керак эди. Геологларнинг сув учун олиб борган курашлари, илмий-текшириш ишлари фильмда жуда енгил-елпи, тамошабиннинг эсида қолмайдиган тарзда ҳал этилган. Унда геологлар пассив маслаҳатчи кишиларга айлантириб қўйилган. Улар жонли ижодий иш устида, жойларда текшириш ишларини олиб боришда кўринмайдилар.

Фильмдаги пионер вожатий образини ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Сўнгги вақтларда болалар ҳаётидан олинган темада яратилган бирқанча фильмларда бўлганидек «Тоғ кўлининг сири» фильмида ҳам пионер вожатий образи тўлақонли ва ҳаётий бўлиб чиқмаган. Фильмдаги пионер вожатий пионерларнинг жон-дили, кўз-қулоғи бўлиш ўрнига, оддий насиҳатгўй бўлиб қолган. Бундан ташқари Асатур бобонинг «дев» ҳақидаги ҳикояси ҳам фильмнинг умумий сюжетига усталик блан сингдириб юборилмаган.

Шунга қарамай «Тоғ кўлининг сири» фильми мамлакатимиздаги ёш авлоднинг бахтиёр, қувноқ ҳаётини реалистик картиналарда тасвирлаши, уларнинг Ватанга муҳаббатини акс этдириши ва ёшларда амалий фаолиятга интилиш уйғотиши блан қимматлидир.

В. МАҲКАМОВ,
Т. НАЖМИДДИНОВ.

1. Янги рангли бадиий фильм. Ереван киностудияси 1953 йилда ишлаган. Сценария авторлари М. Ерзинкян ва А. Ованесова, постановкачи Александр Роу, режиссёрлар Ю. Ерзинкян, Я. Кочарьян, операторлари И. Дильдарян, Д. Фельдман, композитор А. Сатян, рассомлар С. Арутчьян, Ю. Швец.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Совет Ёзучилари Союзи ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти шу йил 6 сентябрь кеч соат 8 да Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар Уйида (1 Май кўчаси, уй № 20) отоқли қозоқ шоири ва мутафаккири Обой Қунонбоевнинг вафотига 50 йил тўлиши муносабати блан адабий кеча ўтказадилар.

Адабий кеча программасида:

1) Обойнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида доклад (докладчи Н. Р. Раҳимов).

2) Обой ше'рларидан бадиий ўқиш (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Д. А. Алексеев, бадиий сўз устаси Муҳсин Ҳамидов ўртоқлар қатнашадилар).

Адабий кечага ҳоҳлаган ўртоқлар таклиф этилади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — мавсумнинг очилиши — 4/IX да **Қутлуғ қон**. Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси) — 4/IX да **Фарҳод ва Ширин**. Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги бадиий фильм **Тоғ кўлининг сири**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Тракторчилар**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Тоғ кўлининг сири**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Ёш гвардия** (2-нчи серия).

ПУШКИН номли — **Хотин ер узра бормоқда**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Тақиқланган ашулалар**, кечқурун **Озод қилинган Хитой**.

«ГРУНТОРАЗРАБОТКА» КАРЬЕРИ
қум, шағал, тош учун берилган
КВИТАНЦИЯЛАРНИ
шу йил 15 ноябрьгача
ҚАЙТА РЎЙХАТ ҚИЛАДИ
Кўрсатилган муддатгача рўйхат қилдирилмаган квитанциялар бўйича қум, шағал ва тош берилмайди.

„Тошкент ҳақиқати“
ва
„Ташкентская правда“
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
октябрь ойи учун ва 1954 йилнинг охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
Айрим кишилардан обуна муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек почта ва «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети
ҳамма ташкилот ва муассасаларга ҳамда якка тартибда уй солучиларга билдирадики,
ҲАРХИЛ ҚУРИЛИШ ПРОЕКТЛАРИНИ КЕЛИШТИРИШ УЧУН
шанба ва сешанба кунларида соат 9 дан 13 гача учрашилсин.
(Тошкент шаҳар ижроия комитети биносида).

Баҳор кўча, 9-нчи уйда туручи **Абдулаҳад Жўраевич Абдураззоқовнинг** Навоий кўчаси, Дала проезд, 58-нчи уйда туручи Хадича Комиловна Абдураззоқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 07922. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1459.